БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. • № 4 (17.882). • 6 январь 1981 йил, сешанба • Баҳоси 2 тийин.

Ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки йили:

ЗАРБДОР МЕҲНАТИМИЗ — ПАРТИЯ СЪЕЗДИГА

ҲОСИЛГА ҲОЗИРДАН ЗАМИН ЯРАТАЙЛИК

Қиш авжида, Ставрополь ўлкасидаги Красногвардейский районининг Свердлов номли колхози меҳнатчилари эса баҳор ташвишлари билан яшамоқдалар. Янги йилнинг дастлабки кунлариданоқ улар ҳосилга замин яратиш соҳасидаги фаол ишларни авж олдириб юбордилар. Уруғликлар саралаб қўйилди. Техника ремонти жадал олиб борилмоқда. Экиш машиналарининг кўпчилиги далага чиқиш учун шай турибди.

Мингдаб колхоз ва совхозларнинг коллективлари КПСС XXVI съезди шарафига мусобақани авж олдириб, ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилида дала ва ферма маҳсулотларини етиштиришни анча кўпайтириш, ўз ишларининг самарадорлиги ва сифатини яхшилашга интилмоқдалар. Бунинг учун эса ҳамма жойда шарт-шароитлар бор. Партия аграр сиёсатининг изчиллик билан рўёбга чиқарилиши қишлоқларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга ёрдам берди. Хўжаликларда машина-трактор парки тўлдирилди, ерга ўғитлар соғлиш кўпайди, мелиорациялаштирилган ерлар майдони кенгайди. Ресурслар бундан кейинги йилларда ҳам кўпайиб боради. Энди гап уларден оқилона фойдаланишда, ҳар гектар ердан мумкин қадар кўпроқ самарага эришишда қолган.

Барча совет кишилари қатори қишлоқ меҳнатчилари ҳам шу кунларда партия XXVI съездига Асосий йўналишлар лойиҳасини атрофлича ва катта қизиқиш билан муҳокама қилмоқдалар. Колхозчилар, совхозларнинг ходимлари ўтган беш йилликдаги ишларга якун ясамоқдалар, келажак режаларни белгиламоқдалар, ишлаб чиқаришни янада ўстириш резервларини қидирмоқдалар. Бундай резервлар эса, тажриба кўрсатиб турганидек, оз эмас. Мамлакатда ҳар йили юқори, барқарор ҳосил ва қўшимча маҳсулот олаётган мингдаб хўжаликлар бор. Айни пайтда бутун бир район ва областлар ҳам борки, уларда маҳсулот етиштириш амалда кўпаймаяпти. Масалан, Латвия, Ноқоратупроқ, Татаристон, Пенза, Курск, Липецк ва айрим бошқа областларнинг бир қатор районларида капитал маблағлар ортиб бораётганлигига қарамай, экинлар ҳосилдорлиги секинлик билан ўсмоқда. Рўй берган аҳвол колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари ҳамда мутахассислари, партия ташкилотлари ва хўжалик органлари зиммасига иш натижаларини чуқур ва танқидий кўз билан таҳлил этиш, камчиликларнинг сабабларини аниқлаш, уларни бартараф этиш йўл-йўриқларини белгилаш вазифасини юклайдик. Ўн биринчи беш йилликда ҳар бир хўжаликда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ривожлантиришга комплекс ёндашишни таъминлаш жуда муҳимдир.

Деҳқончиликда, энг аввало дон хўжалигида олға қараб катта қадам қўйилиши керак бўлади. Пешқадам колхоз ва совхозлар экинлар ҳосилдорлигини ошириш учун резервларни сафарбар этмоқдалар. Деҳқонлар ўтган йилнинг мураккаб об-ҳаво шароитини назарда тутиб, барча майдонлардаги кузги экинларни озиқлантиришни мўлжалламоқдалар. Бу тадбир яхши самара беради. Дуккакли дон экинлари ва дон учун экиладиган маккажўхори майдонларини кенгайтириш учун резервлар қидирилаётган жойларда ҳам тўғри иш қилинмоқда. Бунинг учун мамлакатнинг кўпгина районларида имкониятлар бор.

Ем-хашак даласига алоҳида эътибор бериш керак. Кўпчилик колхоз ва совхозлар, хўжаликлараро корхоналарнинг раҳбарлари, мутахассислари учун ем-хашакка худди ғаллага бўлгани сингари муносабатда бўлиш яхши қоидага айланган. Масалан, Волгограддаги «Волго-Дон» совхозида, Москва яқинидаги «Большое Алексеевское» наслчилик заводида, юзлаб бошқа хўжаликларда ишга ана шундай ёндашмоқдалар. Гомелдаги Урицкий номли колхозда ҳар гектар ердан йилига 60—70 центнердан озуқа бирлиги олмоқдалар. Айни пайтда Горький, Могилев ва Новосибирск областларининг кўпчилик колхоз ва совхозларида гектарлар маҳсулдорлиги 15—17 центнердан ошмаяпти. Шу сингари фактлар ягона эмас. Бундай аҳволни қатъият билан тузатиш керак.

Мутахассисларнинг асосий куч-ғайратини тупроқ маҳсулдорлигини оширишга қаратиш зарур. Қаерда ҳосилдорлик паст бўлса, ўша ерда энг аввало деҳқончилик маданияти паст эканлигини ҳаёт ишончли тарзда кўрсатиб келмоқда. Қишлоқлардаги агрономия хизматлари илмий жиҳатдан асосланган деҳқончилик системасини, оқилона алмашлаб экиш, юксак агротехника, индустриал технологиянинг жорий этилиши ва қатъий риоя қилинишига зўр бериши зарур. Фан ва илғор практиканинг барча ютуқларини, колхоз ва совхозларнинг катта имкониятларини хайдаладиган ерлар, ўтлоқлар, яйловлар маҳсулдорлигини ҳар томонлама ошириш вазифасига бўйсундириш муҳимдир.

Уруғлик — ҳосил негизи. Кўпчилик колхоз ва совхозлар уруғликлар билан старли миқдорда таъминланган. Масалан, Саратов областидаги Фёдоров райони хўжаликларида бошоқли экинлар уруғлигининг 90 проценти биринчи класс даражасига етказилган. Олтой ўлкаси, Оренбург ва бир қатор бошқа областларда иш муваффақиятли борянти. Бироқ, ҳамма жойда ҳам аҳвол кўнгилдагидай, деб бўлмайди. Бу гап аввало Ярославль ва Пермь областлари колхоз ва совхозларига тааллуқли. Бир қатор районларда ўтлар, маккажўхори, дуккакли дон, қанд лавлаги ва бошқа хил айрим экинлар уруғлиги етишмайди. СССР Қишлоқ хўжалик, Тайёрлаш министрликлари, уларнинг жойлардаги органлари сара уруғликлар ишончли запасини вужудга келтиришда хўжаликларга ёрдам беришга даъват этилганлар.

Техникани тайёрлаш ҳақида ҳам катта ғамхўрлик кўрсатиш лозим. Қўпгина районларда тиклаш ишлари ҳажми ҳозирги пайтда анчагина катта. Колхоз ва совхозлар, «Госкомсельхозтехника»нинг инженерлик хизматлари машиналар ремонтига эътиборни кучайтиришлари, барча агрегатлар ўз вақтида сафга қўйилишига эришишлари керак. Қирғизистон, Тамбов ва Чимкент областлари хўжаликларида ремонт ишлари суръатларини жадаллаштириб юбориш даркор. Қишлоққа машиналар, ускуналар, зарур эҳтиёт қисмларни ўз вақтида етказиб бериш — трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги корхоналари коллективларининг бурчидир.

Қишлоқ коммунистлари бўлғуси ҳосил учун курашнинг олдинги маррасида меҳнат қилмоқдалар. Улар деҳқонларнинг юксак пировард натижаларга эришиш учун социалистик мусобақасига бошчилик қилишга, бутун ташкилий ва оммавий-сиёсий ишларни дон, сабзавот, картошка, пахта ҳамда дала ва фермаларнинг бошқа хил маҳсулотларини етиштиришни кўпайтиришга қаратишга даъват этилганларидир. Кишиларнинг меҳнат ва турмуш шароитларига, механизатор кадрлар сафини тўлдириш, уларнинг малакасини ошириш ҳақида ғамхўрлик қилишга, маънавий ва моддий рағбатлантиришнинг самарали тадбирларидан фойдаланишга партия аъзолари алоҳида эътибор беришлари зарур.

Ғаллакорлар ҳаётида янги ҳосилга тайёргарлик кўришда қизғин давр бошланди. Колхоз ва совхозлар, хўжаликлараро корхоналарнинг коллективлари социалистик мусобақани авж олдириб кўкламни ҳар томонлама шай ҳолда қаршилаш, Ватанга мўл-кўл қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериш учун куч-ғайратларини тобора оширмоқдалар.

(«ПРАВДА» газетасининг 5 январдаги бош мақоласи).

— КПСС XXVI съезди шарафига сўзана, қийиқча, дўппи, палак сингари кўплаб бадиий буюмлар ишлаб чиқарамиз! Тошкент бадиий буюмлар фабрикаси коллективининг аҳли шундай. Айни кунларда корхона коллективи съездолди вахтасида меҳнат қилмоқда.

Суратда: корхонанинг илғор дўппидўзлари — Санда Исломова билан Раъно Толипова.

И. Глауберзон фотоси.

ДАСТЛАБКИ ОДИМЛАР

Республикамиз меҳнат аҳли ўн биринчи беш йилликни яхши бошлади. Ишчилар, қурувчилар, транспортчилар, колхоз ва совхозларнинг азамат деҳқонлари КПСС XXVI съезди ҳамда Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди шарафига меҳнат вахтасида туриб ишламоқдалар.

ЧОРВАДОРЛАР ЮТУҒИ

Чорвадорларнинг Бутуниттифоқ мусобақасига қўшилган Хонқа районидаги Ленин орденли Охунбобоев номли колхоз чорвадорлари дастлабки ғалабани қўлга киритдилар. Қабул пунктларига 80 тонна бўрдоқи гўшти етказиб берилди.

Хўжалик чорвадорлари бу муваффақиятга молларни яхши парвариш қилиш эвазига эришдилар. Гўштга топширилган ҳар бир қорамолнинг ўртача тирик вазни 471 килограммни ташкил этди.

— Қишлов чорвадорлар учун жиддий синов палласидир, — дейди колхоз раиси А. Юсупов. — Биз уни муваффақиятли ўтказиш учун барча имкониятларимизни ишга солмоқдамиз. Шундай қилиб, чорва маҳсулотлари мўл-кўлчилиги таъминланиб борилмоқда. Илғор чорвадорларимиз сигирлардан қишда ҳам ёздагидек мўл сут соғиб олиш иштиёқида астойдил меҳнат қилаётирлар.

ТЕХНИКА МАВСУМГА ШАЙ

Пискент районидаги 2-«Пискент» совхози устахоналарида техника ремонти қизғин олиб борилмоқда. Бош инженер Ҳалидулла Абубакиров ҳамда устахона мудири Турсунбек Тўлепов бошчилигидаги ремонтчилар 72 та чопиқ трактори, 72 та культиватор, 70 та сеялка, 67 та «ПГС-2,4» мосламаси, 144 комплекс борона ҳамда кўплаб чизелларни тўла ремонтдан чиқариб қўйдилар. Ҳайдов тракторлари ҳам мавсумга шай қилиб қўйилди. Бу ишда Шакарбой Ширинов, Эгамберди Худойбердиев, Исмоил Ҳайдеров, Усенбой Ўтенов, Владимир Замфиров, Турдиали Аҳматуллаев сингари меҳнатчилар фаоллик кўрсатишди.

— Съездлар йилида совхозимиз механизаторлари ялпи ҳосилнинг 85 процентини машиналар ёрдамида териб олишга қарор қилишган, — дейди бош инженер Х. Абубакиров.—Пахта териш агрегатлари ремонти қизғин давом эттирилмоқда. 65 та «зангори кема» яқин орада тўла ремонтдан чиқарилиб, старт чизиғига келтириб қўйилади.

Ю. ОРТИҚОВ.
Тошкент области.

ЎҒИТ ЖАМҒАРИЛМОҚДА

Денов районидаги «8 Март» колхозининг пахтакорлари ўтган йили ҳосилдорликни 42 центнерга етказишган эди. КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездини муносиб совғалар билан кутиб олиш учун шайланган хўжалик меҳнаткашлари бу йил янада катта ҳиромон кўтаришмоқчи. Мўл ҳосил етиштиришда катта аҳамиятга эга бўлган маҳаллий ўғит жамғариш Жўрақул Ҳамзаев, Йўлдош Хидиров ўртоқлар раҳбарлик қилаётган илғор бригадаларда, айниқса, қизғин олиб борилаётир. Илғор механизаторлардан Менгнор Эшқобилов, Нормамат Қаҳрамонов, Йўлдош Хидиров, Йўлдош Хушматов ўртоқлар кунига 15—20 тоннадан гўнг ташиб чиқаришга эришаётирлар.

Колхознинг бошқа бригадаларида ҳам қишки ишлар уюшқоқлик билан олиб борилмоқда.

Ў. БЕКМУРОДОВ.

ШЎР ЮВИШ ҚИЗҒИН

Тошлоқ районидаги Карл Маркс номли колхозда қишки ишлар қизғин олиб борилмоқда. Техника ремонти, сув йўлларини тартибга келтириш уюшқоқлик билан ўтказилаётир, Хўжалик меҳнаткашлари шўр ювишга, айниқса, катта эътибор беришмоқда. Бу ишда Ғафиржон Латипов, Комилжон Матмуродов сингари уста сувчилар алоҳида ўрнак кўрсатишмоқда.

Т. ҲАТАМОВ.

* * *

«Гулбоғ» совхози Задарё районидаги илғор хўжаликлардан саналади. Хўжалик меҳнаткашлари ўтган йили давлатга 15 минг тоннадан зиёд пахта етказиб бериб, катта ғалабани қўлга киритган эдилар. Совхоз меҳнатсеварлари бу йилги мўл ҳосилга пухта замин тайёрламоқдалар.

— Хўжалигимизда ерларнинг шўрини ювишга алоҳида эътибор берилади, — дейди совхоз директори ўрток Муҳаммаджонов. — Ерларнинг шўрини ювмай туриб бизда мўлжалдаги ҳосилни олиш мумкин эмас. Шўр ювишда 80 та уста сувчи иштирок этмоқда. Хўжалик бўйича кунига 60—80 гектар экинзорнинг шўри ювиляпти. Бу ишда Ҳайитбой Ҳасанов, Шервой Мирахмедов, Шерқўзи Бойқўзиев сингари уста сувчиларимиз алоҳида ўрнак кўрсатишяпти. Улар кунлик нормаларини 1,5—2 баравар қилиб бажаришаётир.

Б. МАҲМУДОВ.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

СССР Олий Совети Президиуми 1980 йилнинг биринчи ярмида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш юзасидан планлар ва социалистик мажбуриятларни бажаришда эришган муваффақиятлари учун ўрнак кўрсатган ходимларни 1980 йил 16 декабрдаги Фармонига биноан СССР орден ва медаллари билан мукофотлади.

Қорақалпоғистон АССР, Нукус районидаги «Нукус» совхозининг сут соғувчиси **К. Ортиқбоева**, Самарқанд область, Қўшработ районидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхозининг бош чўпони **Я. Болмонов**, Сурхондарё область, Шўрчи районидаги Жданов номли колхоз бош чўпони **Т. Бегматов**, Тошкент область, Тошкент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозининг сут соғувчиси **Қ. Файзиева** Ленин ордени билан; Бухоро область, Томди районидаги «Авангард» совхозининг бош чўпони **К. Донбоев**, Жиззах область, Ғаллаорол районидаги Ў. Юсупов номли совхоз бош чўпони **А. Саидиев**, Қашқадарё область, Деҳқонобод районидаги «СССР 50 йиллиги» совхозининг бош чўпони **А. Сатторов**; Наманган область, Чуст районидаги «Ғалаба» совхозининг чўпони **Т. Эшназаров**, Фарғона область, Ленинград районидаги «Социализм» колхозининг сут соғувчиси **С. Матвалиева**, Хоразм область, Боғот районидаги Ленин номли колхоз молбоқари **М. Рўзимова** Октябрь Революцияси ордени билан мукофотландилар.

40 киши Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан, 19 киши Халқлар дўстлиги ордени билан, 63 киши «Ҳурмат Белгиси» ордени билан, 6 киши II даража Меҳнат Шуҳрати ордени билан, 62 киши III даража Меҳнат Шуҳрати ордени билан, 92 киши «Шавкатли меҳнати учун» медали ва 108 киши «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлиги учун» медали билан мукофотландилар.

Фармон «СССР Олий Совети Ведомостлари»да ва область газеталарида эълон қилинади.

КЎП БОЛАЛИ ОНАЛАРГА МУКОФОТЛАР

СССР Олий Совети Президиумининг 1980 йил 29 декабрдаги Фармонига биноан Узбекистон ССРда истиқомат қилувчи ўн ва ундан ортиқ болани туғиб тарбиялаган кўп болали 372 онага «Қаҳрамон она» фахрий унвони берилди, уларга «Қаҳрамон она» ордени топширилади.

(ЎзТАГ).

АГРОНОМНИНГ ЮКСАК БУРЧИ

АГРОНОМЛАРНИНГ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИДАН

5 январь куни Тошкентда агрономларнинг республика кенгаши бўлди. Бу кенгашда КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига лойиҳасида ва ўртоқ Л. И. Брежневнинг Бутуниттифоқ агрономлар кенгаши қатнашчиларига йўллаган мактубида баён этилган қоидалар асосида агрономия хизматини янада такомиллаштириш проблемалари кўриб чиқилди.

Кенгашда министрликлар ва идоралар, хўжаликлар, бирлашмаларнинг раҳбарлари, колхоз ва совхозларнинг агрономлари, олимлар, партия, совет ва хўжалик органларининг ходимлари қатнашдилар.

Кенгашни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Л. Н. Греков очди.

Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министри А. А. Уркинбоев доклад қилди.

Докладчи ва музокараларда сўзга чиққан Ғалаба район партия комитетининг биринчи секретари А. Х. Саидхўжаев, Хоразм область ижроия комитети раисининг ўринбосари А. Қ. Қаландаров, Андижон область қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи Х. Қ. Қодиров, Ромитан район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи К. Шаропов, В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академияси вице-президенти, ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими президиумининг раиси С. Х. Йўлдошев, Қумқўрғон районидаги «ВЛКСМ 30 йиллиги» совхози директори Н. Рахматқулов, Наманган область ўсимликларни ҳимоя қилиш станциясининг директори Н. М. Еремянц, Союзнихи директори, ВАСХНИЛ академиги А. И. Имомалиев, Ильич район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи Г. Асқаров, Ленинобод район партия комитетининг биринчи секретари Я. Р. Қурбонов, ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институтининг директори, ВАСХНИЛ академиги С. М. Мирахмедов, Самарқанд район ижроия комитетининг раиси С. Сотиболдиев таъкидлаб ўтганларидек, Ўзбекистон қишлоқ меҳнаткашлари ўнинчи беш йилликда партия XXV съезди ва КПСС Марказий Комитети шундан кейинги пленумларининг қарорларини амалга ошириш соҳасида собитқадамлик ва зўр ғайрат-шижоат билан меҳнат қилдилар. Деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларининг ҳамма турларини тайёрлаш юзасидан беш йиллик топшириғи муддатидан илгари бажарилди. Пахтакорлар жуда катта ғалабага эришиб, Ватанга 28,5 миллион тонна, ёки тўққизинчи беш йиллиддагига нисбатан 4 миллион тонна кўп пахта топширдилар. Давлатга дон сотиш икки баравар, мева ва сабзавот етиштириш бир ярим баравар кўпайди. Кенгашда бу муваффақиятлар партия ва ҳукуматнинг қишлоқ хўжалиги ҳамма тармоқларини янада ривожлантириш, тармоқдаги барча меҳнаткашларнинг иш самарадорлиги ва сифатини ошириш, агрономия хизматини муттасил такомиллаштириш тўғрисида доим ғамхўрлик қилаётганлиги туфайли қўлга киритилганлигини уқтириб ўтдилар.

Тошкент областининг пахтакорлари ҳар қандай об-ҳаво шароитида муттасил эртаги ҳосил етиштиришда намуна бўлмоқдалар. Улар пахта етиштиришнинг илғор технологиясини пухта ишлаб чиқдилар. Бу технология барвақт мўл ҳосил етиштириб, пахта тайёрлаш планини 25—30 кун ичида бажаришни таъминлайди. Кенгаш қатнашчилари ҳамма жойда пойтахт области меҳнаткашларидан ўрнак олиш зарур эканлигини айтдилар. Шу билан бирга улар фойдаланилмаётган резервларга диққат-эътиборни жалб этдилар, Жумладан, тупроқ унумдорлигини оширишнинг мустаҳкам воситаси бўлган алмашлаб экишни кенг жорий қилишга катта эътибор берилди. Ўтган беш йилликда республикадаги колхоз ва совхозларда алмашлаб экиш майдонлари икки баравар ортди. Аммо ҳайдаладиган ерларнинг учдан бир қисмида ҳануз алмашлаб экиш жорий қилинмаётир, бедапоялар сут кенгайтирилмоқда, илгари беда ва бошқа экинлар экилган ерларда чигит экиладиган майдонлар кам. Ҳамма жойда алмашлаб экишни ўзлаштириш—совхоз ва колхозлар мутахассислари ва раҳбарларининг энг муҳим вазифасидир.

Ирригация ва мелиорация республика шароитида ернинг унумдорлигини ошириш ва мўл ҳосил етиштиришда жуда катта роль ўйнайди. Кенгаш қатнашчилари ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш соҳасидаги ишларнинг бутун комплекси муҳим аҳамиятга молик эканлигини таъкидладилар. Коллектор-зовур шохобчаларидан пухта фойдаланиш ҳар бир хўжалик, ҳар бир агроном ҳаётининг қонуни бўлиб қолиши керак.

Янги суғориладиган ерлардан фойдаланишни анча яхшилаш зарур. Давлат бу ерларни ўзлаштириш учун кўп маблағ сарф қилмоқда. Янги ерларда кам ҳосил олинаётганлигига сира тоқат қилиб бўлмайди. Қўриқ ерларнинг ҳар гектаридан энг кўп ҳосил олинишига эришиш — мутахассисларнинг ва аввало агрономларнинг, шунингдек хўжаликлар раҳбарларининг бурчидир.

Агроном қишлоқ хўжалигини химиялаштиришни начал амалга ошириш, ўсимликларни ҳимоя қилишнинг биологик методларини қўлланишга салмоқли ҳисса қўшмоғи керак. Кенгашда барча химиявий воситалар — минерал ўғитлар, гербицидлар, пестицидлардан, ўстириш омилларидан ва ҳозирги вақтда деҳқонларнинг ихтиёрида бўлган бошқа моддалардан самаралироқ фойдаланиш тўғрисида гап борди. Мутахассисларнинг диққат-эътибори агрохимия картограммалари асосида минерал ўғитлардан оқилона фойдаланишга қаратилиши лозим. Республика Қишлоқ хўжалик министрлиги, «Главсредазирсовхозстрой», «Узплодоовощвинпром» ва уларнинг жойлардаги органлари ўғитларни ҳамма жойда картограммалар асосида ишлатишни таъминлашлари, бундай тартибни бузган кишиларни қаттиқ жавобгарликка тортишлари керак.

Ёмон уруғдан яхши ҳосил олиб бўлмайди, албатта. Уруғчиликни яхши йўлга қўйиш мўл ҳосил етиштириш учун жуда катта аҳамиятга эгадир. Докладда ва нотиқларнинг нутқларида таъкидлаб ўтилганидек, пахта уруғчилигини агросаноат асосида ривожлантириш зарур бўлиб қолди. Дон, картошка, сабзавот-полиз маҳсулотлари, озуқабоп экинлар, хусусан беда уруғчилиги соҳасидаги ишларни ҳам анча кучайтириш талаб этилади.

Кенгашда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади. Агрономларнинг яқинда Москвада бўлиб ўтган Бутуниттифоқ кенгаши, деди Ш. Р. Рашидов, КПСС Марказий Комитети мутахассислар ҳақида, деҳқончилигимизни янада ривожлантириш тўғрисида ғамхўрлик қилаётганлигининг ёрқин ифодаси бўлди. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг самимий ва чуқур мазмунли табриги агрономларнинг бу анжуманига алоҳида жўшқинлик бахш этди. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг доно маслаҳатлари ва истаклари қишлоқ хўжалигидаги ҳамма ишларни янада кучайтиришга ва юксак даражага кўтаришга ёрдам беради.

Аграр сиёсат масалалари партиянинг доимо диққат марказида турибди. Ўн биринчи беш йиллик лойиҳасида ҳам бу масалаларга катта ўрин берилган. Бу даврда Ўзбекистон қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари олдида янги, янада кенг кўламли вазифалар туради. Интенсивлаш, ерларнинг унумдорлигини ва пахта, дон, озуқабоп экинлар ва бошқа экинларнинг ҳосилдорлигини муттасил ошириш йўли билангина бу вазифаларни ҳал этиш мумкин. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг агроном мутахассислари ва ташкилотчилари бу ишга бошчилик қилишлари лозим.

Агроном-деҳқончиликнинг бош технологи, қишлоқ хўжалигида фан-техника тараққиёти учун актив курашчидир. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг Бутуниттифоқ агрономлар кенгаши қатнашчиларига йўллаган мактубида бундай дейилади: «Дала ҳокими деган фахрли номга муносиб бўлиш, деҳқончиликнинг юксак маданияти учун, маҳсулдорликни ошириш ва барқарор ҳосилдорлик учун курашнинг олдинги сафларида бориш — ҳар бир агрономнинг шон-шараф ишидир».

Ш. Р. Рашидов Ўзбекистонда агрономия хизматининг кечиктириб бўлмайдиган вазифаларига тўхталиб, партия комитетлари, совет ва қишлоқ хўжалик органлари агрономларнинг ер унумдорлигини ошириш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил этишни такомиллаштириш соҳасидаги ишларида уларга бутун чоралар билан ёрдам ва мадад беришлари лозим эканлигини уқтириб ўтди.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлар М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, А. А. Хўжаев, С. У. Султонова, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Р. Х. Абдуллаева, Қ. А. Аҳмедов, Р. С. Ашуралиев, М. Т. Турсунов, А. Р. Хўжаев қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

СИРДАРЁ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

ГУЛИСТОН, 5 январь. (ЎзТАГ). Бугун бу ерда IX Сирдарё область партия конференцияси иш бошлади. Область партия комитетининг биринчи секретари В. А. Хайдуров область партия комитетининг ҳисобот докладини қилди.

Конференция ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин, КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими И. Е. Пономарев иштирок этмоқдалар.

ИЖОДКОРНИНГ ШАРАФЛИ ВАЗИФАСИ

Кеча Ўзбекистон Ёзувчилар союзи партия ташкилотининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари С. О. Азимов КПСС Марказий Комитетининг «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» тўғрисида партия XXVI съездига лойиҳаси ҳамда ёзувчиларнинг вазифалари ҳақида доклад қилди.

Докладчи ва музокарада сўзга чиққан Назир Сафаров, Мирмуҳсин, Лазиз Қаюмов ва бошқа ўртоқлар Асосий йўналишларнинг моҳиятини кенг халқ оммаси қалбига ва онгига етказиш учун ижодкорлар нималар қилишлари зарурлиги ҳақида гапирдилар. Йиғилишда партиямизнинг бу муҳим ҳужжатини кенг меҳнаткашлар оммасига ранг-баранг жанрларда яққол ва лўнда тушунтириб бериш учун ижодкорлар бутун қобилиятларини, қалб қўрларини сафарбар этишлари лозимлиги алоҳида таъкидланди. Замонадошларимиз образини бадиий полотноларда тўлақонли ёритиш учун чуқур партиявийлик, халқчиллик, коммунистик ғоявийлик фазилатларига эга бўлиш ғоят муҳимдир. Коммунистик жамият қураётган бунёдкор халқимизнинг қаҳрамонона ишларини юксак савияда, бадиий пухта асарларда акс эттириш ҳар бир ижодкорнинг муқаддас бурчи эканлиги яқдиллик билан таъкидлаб ўтилди.

Партия йиғилиши иштирокчилари ёзувчилар КПСС XXVI съезди ҳужжатларини пропаганда қилишда идеология фронти жангчиларининг олдинги сафларида бораётганларини изҳор этишди.

ПАРТИЯ РЕЖАЛАРИ—ХАЛҚ РЕЖАЛАРИ

КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съездига лойиҳаси—умумхалқ муҳокамасида

БРИГАДА ПУДРАТИ—ИШИМИЗНИНГ ҚУДРАТИ

ЮТУҚЛАР ЧЕГАРА ЭМАС...

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ» ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИДА БРИГАДА ПУДРАТИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТАЖРИБАСИ

Гап мавзуини бригада пудратининг давлат учун ҳам, қурувчилар учун ҳам манфаатли усул эканлиги, уни кенг тарғиб этиш ва жорий қилиш зарурлигини тасдиқловчи характерли мисоллар билан бошлашни истардим.

Виктор Алексеевич Демидов бригадаси кўп йиллардан буён «Жилстрой» трестининг монтаж бошқармасида самарали меҳнат қилади. Олти йилдирки, бригада бошқарма билан тузган пудрат шартномаси асосида йирик панелли уйлар монтажида фаол иштирок этади.

Бригада коллективи 20 кишидан иборат. Ўтган йил улар 4 та уйни барвақт қуриб, пардозловчиларга топширишди. Иш сифати «яхши» ва «аъло» баҳоланди. Ҳар бир бинони қуриш муддати ўрта ҳисобда 17 кунга қисқарди. Меҳнат унумдорлигини ошириш топшириғи 111,7 процент уддаланди. Белгиланган смета баҳоси арзонлашди. Бунинг учун бригада минг сўмдан кўпроқ мукофот олди. Пудрат усулида ишлаб, катта ютуққа эришган бригада базасида бош бошқармаларнинг илғор тажриба мактаби очилди. Эндиликда бу ерда қурувчилар бригадалари бошлиқлари машҳур бинокор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Николай Злобин тажрибасини қатъий график ва аниқ программа асосида изчил ўрганиб боришмоқда.

Натижалар қувончли. Бошқармада пудрат усулида ишлашга ўтувчи коллективлар сони кўпаймоқда. 1-ўйсозлик комбинатининг Борисов ва Борисенко, 2-ўйсозлик комбинатининг Муликов, 3-қурилиш трестининг Вазлярис, «Висотстрой» трестининг Костенко ўртоқлар бошлиқ ўнлаб бригадалари шулар жумласиндандир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, «Жилстрой» трести ва уй-жой қурилиши комбинатида ўтган қисқа давр ичида пудрат шартномаси асосида бажарилаётган ишлар салмоғи 80—85 процентга ошди. Айниқса, бу борада 6-қурилиш трести коллективи энг яхши ютуққа эришди. 32-қурилиш бошқармасидан ўртоқ Котов бошлиқ бригада коллективи янги объект қурилишини муддатидан бир ой илгари тугатиб, 42 минг сўмлик маблағ тежаб қолишга эришди. Коллектив 10,5 минг сўм миқдорида мукофот олди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

1980 йил планида «Главташкентстрой» қурилиш-монтаж ишлари ҳажмининг 60 проценти бригада пудрати асосида амалга оширилиши кўзда тутилганди. Бошқача айтганда, бу ўнинчи беш йиллик халқ хўжалиги плани талабларининг бажарилишини таъминлаган асосий кўрсаткичдир.

Кўзланган барча мақсадларни амалга оширишга қаратилган ташкилий тадбирлар орасида бригада бошлиқларини бошқарма ўқув кусида 40 соатлик программа асосида ўқитиш ҳам назарда тутилган. Бу ерда якунловчи йилнинг ўзида 200 нафардан ортиқ (10 группа) бригада бошлиқлари ўқитилди. Барча меҳнат коллективлари махсус пудрат журнали билан таъминланди.

Ташкилий-техникавий ҳужжатларни такомиллаштириш ва намунали йўлга қўйишда «Оргтехстрой» трести коллективи амалга ошираётган ишлар диққатга сазовор. Трестда бригада пудратини жорий этиш группаси ташкил этилган бўлиб, у қўйи ташкилотларга катта ижодий ёрдам кўрсатмоқда.

Ўтган йилнинг ўзида, — дейди бош бошқарма бошлиғи Ўринбосари К. Солиҳов, — бошқармамизда пудрат шартномаси асосида бажарилган ишлар ҳажми 75 процент ошди. Бу, 1979 йилги кўрсаткичдан қариб 72,2 процент кўпдир. Бунда биз дастлаб турар жой, маданий-маиший ва коммунал қурилиш объектларини назарда тутяпмиз, албатта. Саноат корхоналари қурилишларида хўжалик ҳисобидаги бригадалар бажарган иш (белгилаб қўйилганидек) 50—52 процентни ташкил этди. Қурилиш таннархини қисқартириш эвазига злобинчи бригадалар 1 миллион сўмдан ортиқроқ маблағни иқтисод қилишга эришди. Ҳар бир ишчи ҳисобига бажарилган иш ҳажми 8 минг сўмдан ошди.

ҚУРИЛИШ

Бригада пудрати кенг жорий этилган барча қурилиш ташкилотларида ёрдамчи пудратчилар билан буюртмачилар ўртасидаги ўзаро шартнома катта роль ўйнаяпти. Масалан, «Жилстрой» трести бош пудратчи билан, республика Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги корхоналари «Таш сантехмонтаж», «Узэлектромонтаж» трестлари коллективлари билан биргаликда муваффақиятли иш олиб бормоқдалар. Улар орасидаги ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик қурилиш ишларини тезлаштирибгина қолмай, иш вақтидан фойдаланишда, брак маҳсулотлар ҳажмини кескин камайтиришда ва нобудгарчиликка қарши курашда ҳам муҳим аҳамият касб этяпти.

Буларнинг ҳаммаси ўн биринчи беш йиллик Асосий йўналишлари лойиҳасида кўзда тутилган муҳим йўл-йўриқларнинг келажакдаги мутлақ рўёби учун мустаҳкам замин, ишончли таянчдир. Чунки, ўн биринчи беш йилликнинг муваффақиятли бажарилиши, мамлакатимиз иқтисодий потенциалини янада кўпайтириши ва халқ фаровонлигини янада оширириши, Совет давлати мудофаа қудратини янада юксак даражада бўлишини таъминлашини яхши биламиз.

Лекин бу ютуқлар «Главташкентстрой» бош бошқармаси корхоналари ва ташкилотларида хўжалик ҳисоби методининг жорий этилиши юксак даражада деган гап эмас, албатта. Онда-сонда бўлса-да, ҳали айрим нуқсонлар учраб турибди. Масалан, 3, 153, 159-қурилиш трестларида ўтган йилнинг биринчи ярмида сметада белгиланганидан анча кўп маблағ ҳаражат қилишга тўғри келди. Айниқса, 3- ва 153-трестларда турар жой биноларини қуриш муддати асоссиз чўзиб юборилди. Айрим бригадаларда ва қурилиш участкаларида зарур инженерлик тайёргарлиги етишмади. Қурилишнинг вақтида бошланиши учун тегишли иш фронтлари очиб берилмади. Қурила бошланган иншоотлар етарли бинокорлик материаллари, конструкциялар ва ускуналар билан таъминланмади. Ишчи кучлари ва механизмлар бир объектдан иккинчи объектга тез-тез кўчирилиши ҳали ҳам учраб турибди. Меҳнатни ташкил этиш борасидаги бошбошдоқликлар қурилиш суръатининг тезлашишида тўғоноқ бўляпти. Буларнинг ҳаммаси мавжуд иш вақтининг 50 процентдан зиёдроғи фойдасиз иш вақтига чиқиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Шуни назарда тутиб лойиҳада қайд қилинган «Қурилиш ва монтаж ишларини пудрат ва хўжалик усулида юритиш такомиллаштирилсин. Қурилишни ташкил этишнинг прогрессив формалари, комплект блокли, вахтали, узеллар бўйича ва бошқа формалари ҳар томонлама ривожлантирилсин. Инженерлик тайёргарлиги ва ишлаб чиқариш технология комплектацияси даражасини ошириш негизида ҳамма жойда турдош поток бригада пудрати ёйилиши учун шарт-шароитлар яратиб берилсин» деган сатрлар «Объектларга ажратилаётган маблағларнинг сарф-харажати қатъий ҳисобда бўлсин, иншоотларнинг ишга тушиш муддатларини асоссиз чўзиб юбораётган министрликлар, ташкилотлар, корхоналар ва муассасаларнинг раҳбарлари зиммасига алоҳида масъулият юклансин. Бинокорлик материаллари ва конструкциялари, ишчи кучлари ва механизмларнинг бир объектдан иккинчи объектга тез-тез кўчирилиш ҳолларига барҳам берилсин, иш вақтининг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланишга эришиш таъминлансин» деб тўлдирилишини таклиф қиламиз.

Ҳозир бош бошқарма корхоналари ва ташкилотларида вазиятни янада яхшилаш учун қатор тадбирлар ишлаб чиқилди, уларнинг изчил ва қатъий назоратга олинди. Бригада пудрати — иш қулайлиги эканлигини яхши билган меҳнат коллективлари эришилган ютуқлар билан чекланиб қолмай, серунум меҳнат усулини янада кенгроқ жорий этиш ва уни изчил такомиллаштириш чораларини кўрмоқдалар.

КПСС XXVI ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездлари шарафига зарбдор вахтада туриб меҳнат қилаётган бошқарма корхоналари ва ташкилотлари коллективлари социалистик мусобақа байроғини тобора баланд кўтариб, 1981 йилда хўжалик ҳисоби бўйича бажарилиган ишлар ҳажмини уй-жой қурилишида 70—80, саноат корхоналари қурилишида 50—60 процентга етказишга аҳд қилганлар. Шубҳа йўқки, пойтахт бунёдкорлари ҳар галгидек ўз сўзлари устидан чиқадилар.

И. АҲМЕДОВ,
инженер.

ЁРҚИН УФҚЛАР

Бу сўзни тилга олсам, беихтиёр кўз олдимда бўлимизнинг Қувват Ботиров, Ҳамза Абдуалимов, Ибод Бобоқулов, Абдурасул Абдураҳимов сингари алпона чўпонлари намоён бўлади. Улар суяги чўпонликда қотган, доим сурув ишқи билан ёниб, сурув ишқи билан яшаётган. йилов қаҳрамонларидир. Уларнинг фидокорона меҳнати билан ўтган йили бўлимда жун, гўшт, қорақўл тери тайёрлаш топшириқлари ошириб адо этилди. 2121 ўрнига 3976 та қўзи ўстиришга қолдирилди. Таннарх арзонлашди. Эришган бу муваффақиятларимиз учун бўлимизнинг чорвадорлари СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ва қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи Марказий Комитетининг фахрий дипломи билан тақдирланди.

Меҳнатимизга берилган бу юксак баҳо бизни янги марралар сари даъват этмоқда. Айни кунларда КПСС XXVI ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездларини муносиб кутиб олиш учун съездолди социалистик мусобақасини ҳар қачонгидан авж олдириб юбордик. Бутун куч, техника воситалари ва ички имкониятларни туёқ сонини кўпайтиришга, наслни яхшилашга, маҳсулдорликни оширишга қаратдик.

Маълумки, қишловни соз ўтказиш — чорва моллари маҳсулдорлигини кўпайтиришнинг муҳим омилидир. Туёқ сони бут, совлиқлар семиз ва дуркун бўлса эгиз қўзилар олиш ҳам муқаррардир. Шунинг учун биз кўп йиллик анъанага кўра қишнинг ҳар қандай шароитида сурувни яйловда ўтлатишни, кечалари қўшимча тўйимли озуқалар билан боқишни ташкил этдик. Бу ўз ўрнида қўйларнинг этнига эт қўшиб, маҳсулдорлигини оширмоқда. Энг муҳими, эгиз қўзилар кўпайиб, қорақўл тери ва жун сифати тобора яхшиланмоқда.

Совлиқларни урчитиш кампаниясини муваффақиятли тугалладик. Озғин ва ниманжон совлиқларни алоҳида ажратиб олиб кўшимча рацион билан боқишни бошлаб юбордик. 1120 тонна ўрнига 1290 тоннадан зиёд йиғилган хашакни отарлардаги мавжуд чорва молларига тақсимлаб чиқдик. Ҳар килограмм озуқанинг қатъий ҳисобини олдик. Бу бизга, шубҳасиз кишловни соз ва бехатар ўтказиш, қўзилатиш кампаниясини муваффақиятли тугаллаш имконини беради.

ЧОРВАЧИЛИК

Бўлимимиз чорвадорлари «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» лойиҳасини қизғин кутиб олдилар. Улар лойиҳада таъкидланган **«Қўй гўшти, жун, қорақўл тери ва қўйчилик ҳамда эчкичиликнинг бошқа маҳсулотларини етиштириш бутун чоралар билан кўпайтирилсин»** деган сатрларни айни муддао деб қабул қилдилар. Эртасигаёқ бўлиб ўтган суҳбатда ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Юқорида айтилган асосий кўрсатмаларга **«Сунъий сув ҳавзалари барпо этиш йўли билан яйловларга сув чиқариш тадбирлари ижроси тезлаштирилсин»** деб қўшиб қўйилишини таклиф қилмоқдалар. Негаки, бизнинг Нурота тоғ тизмалари яйловлари шароитида серўт майдонлар ҳажми чорва моллари сонига нисбатан камлик қилади. Тог-тошли жойлардан ташқари тап-тақир текисликлар учраб туради. Уларни ямяшил изғзорларга, баҳаво ўтлоқларга айлантириш учун биринчи навбатда сув керак. Бунинг учун тоғ оралиқларида сунъий сув ҳавзалари қуриш, суғориладиган кенг яйловлар ташкил этиш зарур. Ҳолбуки, районимиз территорияси тоғ оралиқларида бундай сув иншоотлари қуриш учун табиий қулай жойлар жуда кўп. Қолаверса, Асосий йўналишларнинг республикамиз бўйича гапирилган қисмида ўн биринчи беш йилликда **«1,5 миллион гектар яйловга сув чиқарилсин»** деб алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Тарихда съездлар йили бўлиб қутлуғ из қолдирувчи — 1981 йилда бўлимимиз чорвадорлари ҳар юз бош совлиқдан 150 тадан қўзи, ҳар бош қўйдан ўртача 3,5 килограммдан жун олишга ва қорақўл тери етиштиришни ҳар қачонгидан кўпайтиришга бел боғлашган.

Партия белгилаган марралар бизнинг марраларимиз. Улар ёрқин ва улуғвор! Улуғвор марраларга улуғвор одимлар, таъбир жоиз бўлса алпона одимлар ярашади. 60 йилдан кўпроқ давр ичида коммунистик жамият қурилиши жабҳасида муттасил алпона одим ташлаб келаётган севикли Ватанимиз бу гал ҳам алпона одимлашига шубҳа йўқ.

Бобоқул УСМОНОВ,
Самарқанд область, Қўшработ районидаги Эргаш Жуманбулбул ўғли номли совхознинг бўлим бошқарувчиси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган чорвадор.

ЭЛ-ЮРТ БОЙЛИГИ

Институт сўнгги йилларда энг янги техника воситалари билан қуролланган йирик даволаш, диагностика ва профилактика марказига айланди. Аҳолини дорисиз даволашнинг синалган усули — физиотерапия такомиллаштирилмоқда. Олимларимиз маҳаллий курорт ресурсларини ва шифобахш сув манбаларини ўрганиш бобида ҳам улкан ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Хотин-қизларнинг иш шароити, турмуши, дам олишини энг яхши ташкил этиш юзасидан ўтказилган Бутуниттифоқ кўригида институтимиз СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги, медицина ходимлари касаба союзи Марказий Комитетининг фахрий ёрлиғи билан тақдирланди.

Асосий йўналишлар лойиҳаси истиқбол ҳақидаги партиявий гамхўрликнинг ёрқин намунасидир. Ўнда фаровонликни ошириш, аҳоли саломатлигини муҳофаза этишга жуда катта эътибор берилган. Жумладан, саккизинчи бўлимда «Касалликларнинг олдини олишга доир ишлар кучайтирилсин, диспансерларда даволаш самарадорлиги оширилсин ва аҳолига, даставвал болаларга диспансер хизмати кенгайтирилсин» дейилган. Шу сатрлардан сўнг **«Маҳаллий курорт ресурслари ва шифобахш сув манбаларини топиш ва ишга солиш кучайтирилсин»** деган сўзлар лойиҳага киритилишини таклиф қиламиз.

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ

Бу соҳада бизда бирмунча ишлар қилинди. Поликлиникаси ҳам бўлган болалар шифохонаси қурилмоқда. Республикамизда аниқланган кўплаб курорт ресурслари ҳамда шифобахш сув манбаларидан 80 таси ишга туширилди. Яқин йиллар ичида яна бир қанча шундай масканларни ишга солиш кўзда тутилянти. Меҳнаткашларнинг дам олишини ташкил этиш бўйича республика комиссияси институтимиз олимлари тавсиясига кўра ўн биринчи беш йилликда ҳар бири 300—500 ўринли яна ўнта шифохона қуришни мўлжаллаган. Бу партия ва ҳукуматимизнинг совет кишилари саломатлиги йўлида қилаётган чексиз ғамхўрлигининг яна бир амалий ифодаси бўлади.

Р. ПЎЛАТОВ,
Н. А. Семашко номидаги курортология ва физиотерапия илмий-текшириш институти директори ўринбосари, медицина фанлари доктори.

ЗАФАР САТРЛАРИ

САМАРҚАНД

«Госкомсельхозтехника» область бирлашмасининг механизациялашган кўчма колоннаси коллективи ўтган беш йилликда область хўжаликлари чорвачилик тармоқларини механизациялаш соҳасида 21,8 миллион ўринга 23 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарди. Колоннанинг Самарқанд, Булунғур, Ургут, Пайариқ, Большевистик, Каттақўрғон районларидаги участкалари коллективлари кучи билан гўшт ва сут етиштиришга ихтисослашган ўнга яқин йирик комплекслар барпо этилди. Бу, ўн биринчи беш йилликда областда чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш имконини беради.

Э. ҲОЖИҚУРБОНОВ.

МАРҒИЛОН

Ўтган беш йилликнинг якунловчи йилида «КПСС XXVI съездига — 26 зарбдор ҳафта» шиори остида меҳнат қилган Марғилон ипак комбинатининг аъзоларари беш йиллик планга қўшимча 18 миллион 653 минг сўмлик маҳсулот реализация қилдилар. Эришилган ютуқда корхонанинг 243 нафар зарбдор пиллакашлари ҳиссаси, айниқса, салмоқли бўлди. Улар орасида бир беш йилликда 1,5—2 беш йиллик норма иш бажарган машҳур тўқувчи О. Абдураҳмонова, социалистик мусобақа ғолиблари Х. Ғаниева, Х. Мамасолиева, Ф. Жўраева, коммунистик меҳнат зарбдорлари Н. Мельченко, Л. Рачеева, Ф. Холомина сингари юзлаб ташаббускорлар бор.

Янги йил арафасида корхона зарбдорларидан 11 кишининг меҳнат календарида 1986 йил бошланди.

М. МАҲМУДОВ.

МУЙНОҚ

Район балиқчилари съездлар йилининг март ойи ҳисобига иш бошлашди. КПСС XXVI съезди шарафига муносиб совға бўлган бу меҳнат ютуғида районнинг йирик балиқчилик хўжалиги — «Октябрь 40 йиллиги» колхози балиқчиларининг ҳиссаси катта. Балиқчилар биргина ўтган йилда 4500 центнердан кўпроқ балиқ овлаб, район хўжаликлари орасида пешқадамлик қилдилар. Хўжаликдаги Т. Каримов, Ж. Давлатов, Ж. Идиетуллаев, Г. Аннақулов, Я. Ортиқов сингари илғор балиқчилар ҳозир янги йилнинг иккинчи ярми ҳисобига балиқ овламоқдалар.

Р. ЕШИМБЕТОВ.

«Совет Ўзбекистони» мухбири.

КПСС XXVI ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездларини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олишга бел боғлаган Самарқанд шойи тўқув бирлашмаси меҳнат аҳли 1981 йил зарбдор вахтасини қизғин давом эттирмоқда. Корхонада ўнлаб ишчилар ўн биринчи беш йиллигининг дастлабки йили биринчи ярми ҳисобига иш бошлашди. Суратда: илғор тўқувчилар (чапдан) Р. Азизкеева, М. Эшонқулова, Ш. Рустамова, Т. Ғуломова ўртоқлар.

А. Тўраев фотоси.

САМАРАДОРЛИК ВА СИФАТ ЙЎЛИДАН

ИҚТИСОДИЙ БИЛИМЛАР УНИВЕРСИТЕТИ

Мамлакатимиз ва бутун прогрессив инсониятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеа — КПСС XXVI съезди очиладиган кун тобора яқинлашмоқда. Съезд совет халқининг ўтган беш йилдаги шонли ишларига якун ясайди, ўн биринчи беш йиллик ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган бунёдкорлик ишларининг янги сарҳисобини бошлайди. «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVI съездига лойиҳаси омманинг меҳнат қўтаринкилиги ва сиёсий активлигини ошириди. Катта тарихий аҳамиятга эга бўлган бу ҳужжатда ўниччи беш йилликда юз берган ўзгаришлар таҳлил қилинишн билан бирга, коммунизм учун, меҳнаткашлар фаровонлигини муттасил ошириб бориш, Ватанимиз иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлаш учун курашнинг навбатдаги босқичи революцион шижоат билан ишлаб чиқилган.

Ўн биринчи беш йилликнинг бош вазифасини ҳал қилиш билан боғлиқ бўлган кўпгина муҳим проблемалар орасида ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш алоҳида аҳамиятга эга. Чунки ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш партия иқтисодий стратегиясининг асосий йўналиши, социалистик ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг етакчи бўғини бўлиб, унинг ёрдамида совет халқи экономика ва маданиятни муттасил юксалтириб бориш, социалистик турмуш тарзини ривожлантиришнинг қатор мураккаб социал-иқтисодий вазифаларини муваффақиятли ҳал қила олади.

Ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш аввало халқ хўжалигига фан ва техниканинг энг янги ютуқларини жорий этиш йўли билан амалга оширилади. Ҳозирги шароитда фаннинг ишлаб чиқаришга тобора чуқур кириб бориши, унинг бевосита ишлаб чиқарувчи кучга айланиш жараёни юз бермоқда. Лойиҳанинг II ва IV бўлимларида техника тараққиётини белгиловчи ва янги меҳнат қуроллари ва предметларини яратувчи тармоқлар — энерготехника, машинасозлик, приборсозлик, радиотехника, радиоэлектроника ҳамда меҳнат унумдорлигини муттасил ошириб бориш вазифаларига амал қилиш имконини берадиган бошқа ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилган.

Ана шу машиналар ва агрегатларнинг қувват бирлигини ўстириш, юқори самарали асбоб-ускуналар, приборлар, автоматлаштириш воситаларини кўплаб чиқариш вазифаси қўйилганки, булар бутун технология жараёнини қамраб олади, ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш имконини беради. Кўп меҳнат ва материаллар сарфлашни талаб қилувчи технология жараёнларини, табиий ресурслардан рационал фойдаланишни, атроф муҳитни муҳофаза қилишни таъминловчи технология жараёнларини такомиллаштириш юзасидан зарур тадбирлар системаси ишлаб чиқилди.

Фан-техника тараққиёти энергиянинг янги манбаларидан тобора кенг фойдаланиш, иссиқлик, ядро, химия ва қуёш энергиясининг электр энергиясига айлантирилиши билан характерланадики, бу жиҳатлар ўн биринчи беш йилликда ва ундан кейинги даврда ҳам янада ривожлантирилади.

Фан-техника тараққиётини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у ҳар бир иттифоқдош республиканинг, шу жумладан Ўзбекистоннинг саноат корхоналарида планли асосда ривожланади. 1981 йилнинг ўзидагина Ўзбекистон ССР Министрлар Советига қарашли корхоналарда янги техника ва технология бўйича 380 га яқин тадбир амалга оширилади. 196 та цех, участка ва ишлаб чиқариш комплекс механизациялаштирилади ва автоматлаштирилади, 195 та механизациялаштирилган ва автоматлаштирилган поток линия жорий этилади.

Янги техниканинг жорий этилиши корхоналарга жумладан 27 минг ходимнинг меҳнатини тежаш имконини беради. Бу айниқса ҳозирги давр учун жуда муҳим аҳамиятга эга.

Ривожланган социализм шароитида фан-техника тараққиёти, машиналар ва механизмларни такомиллаштириш, шу асосда ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун рационализаторлик ва ихтирочилик ҳаракати муҳим аҳамиятга эга. Республикамизда ўн минглаб ишлаб чиқариш илғорлари техникани такомиллаштириш, технологик жараёнларни яхшилаш, ишлаб чиқариш қувватларидан энг рационал фойдаланиш юзасидан кўпдан-кўп қимматли таклифлар билан чиқмоқдалар. Буларнинг ҳаммаси халқ хўжалигимизда жуда катта маблағларни тежаб қолиш имконини беради, меҳнат унумдорлигини оширишни таъминлайди. Рационализаторлар ва ихтирочилар ўзларининг ҳар бир таклифларини техника ва технологиянинг ўзини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар билан боғламоқдалар ва бу билан техника тараққиётига катта ҳисса қўшмоқдалар.

Ана шу ҳаракатнинг аҳамияти тобора ошиб бораётганлигини назарда тутиб, бизнинг фикримизча, **«Фанни ривожлантириш ва техника тараққиётини жадаллаштириш»** деган III бўлимда **«ихтирочилар ва рационализаторларнинг оммавий илмий-техника ижодкорлигини янада ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашилсин»** деган сўзлардан кейин **«уларнинг таклифларини ишлаб чиқаришга жадал жорий этишни, моддий ва маънавий рағбатлантиришни кучайтириш таъминлансин»** деб кўшиб қўйилмоғи лозим.

Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, ижтимоий меҳнат унумдорлигининг самарадорлигини ошириш кам унумли қўл меҳнатини максимал даражада қисқартиришни тақозо этади. Гап шундаки, республикамизнинг кўпгина корхоналарида қўл меҳнатининг салмоғи бирқадар катта бўлиб, бу ҳол ишчиларнинг малакасини ошириш имкониятларини чеклаб қўймоқда, асосий ва оборот фондларидан фойдаланиш даражасини камайтирмоқда, меҳнат унумдорлигини оширишга тўсиқ бўлмоқда. Шунинг учун Асосий йўналишлар лойиҳаси ана шу камчиликни тезроқ тугатишни, янги техникани жорий этиш, ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш планларининг бажарилиши устидан аниқ контроль ўрнатишни талаб қилади.

Эришилган ютуқларни ҳамда 1985 йилгача ва 1990 йилгача бўлган даврга бўлган ишлаб чиқаришнинг техника даражасини ошириш истиқболини назарда тутиб, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш юзасидан махсус планлар ишлаб чиқмоқ лозим бўлади.

Ҳозирги шароитда транспортда, юк ортиб-тушириш, слесарлик-монтаж, ремонт, ер ва пардозлаш ишларида фан-техника тараққиётя ютуқларини жорий этиш вазифаларини ҳал қилишни анча жадаллаштириш талаб этилади. Бу эса, ўз навбатида, ана шу сермеҳнат жараёнларни механизациялаш воситаларини ишлаб чиқаришни анча кўпайтиришга боғлиқ. Шунинг учун қурилиш ишларини ташкил этишни яхшилаш, прогрессив лойиҳа ечимларини қўлланиш, бинокорлик конструкциялари ва буюмларининг заводдан кўплаб тайёр ҳолда чиқишини таъминлаш, самарадор материалларни, меҳнатни илмий ташкил этишни жорий этиш, Н. Злобин бригадаси методи асосида хўжалик ҳисобини кенг ёйиш, шунингдек, қурилиш-монтаж ташкилотларини мустаҳкамлаш ва ихтисослаштириш йўли билан меҳнат харажатларини тежаш юзасидан кенг тадбирлар ишлаб чиқиш.

Фан-техника тараққиёти суръатларини жадаллаштириш тадбирларини ишлаб чиқиш, айрим юксак унумли машиналарни яратиш ва жорий этишдан ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш имконини берувчи машиналар системасини яратишга ўтиш ишлари саноатнинг ҳамма тармоқларида амалга оширилиши керак. Жумладан, республика саноати асосий ва қўшимча ишлаб чиқаришда юксак унумли асбоб-ускуналарни комплекс жорий этиши, асбоб-ускуналар, ностандарт асбоб-ускуналар, транспорт воситаларини ва эҳтиёт қисмлар тайёрлаш бўйича ихтисослаштирилган корхоналар барпо этиш зарур талабидир. Бунда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришнинг янада такомиллашган, янги технологиясини жорий этиш, корхоналарни реконструкция қилиш, техника жиҳатидан қайта қуроллантириш ва шу сингари тадбирларни амалга ошириш айниқса муҳимдир. Бу проблемалар регионал аҳамиятгагина эмас, шу билан бирга иттифоқ аҳамиятига ҳам эгадир. Шунинг учун бизнинг фикримизча бу проблемалар асосий йўналишлар лойиҳасининг саноат ва капитал қу-

ЖОНАЖОН ВАТАН БЎЙЛАБ

УРЕНГОЙГА ПОЕЗД КЕЛДИ

УРЕНГОЙ. Салкам 600 километр узунликдаги Сургут — Уренгой темир йўли ишга туширилди.

Бугун темир йўлнинг охирги станциясига биринчи поезд келди. Поезд йиғма уй-жойлар, асбоб-ускуналар, материаллар олиб келди. Қурувчилар катта меҳнат ғалабасига эришдилар: партия XXV съезди ана шу пўлат магистрални қура бошлаш тўғрисида қарор қабул қилган эди. Бугун эса барча трасса бўйлаб темир йўл рельслари ётқизилди.

Йўл мураккаб шароитларда барпо этилди. Темир йўл трассаси Ғарбий Сибирнинг чангалзорлари орқали, нефть ва газ конлари орқали ўтди. Бу конларга олиб борадиган йўл ўтиб бўлмас ботқоқликлар ва дарёлар билан кесиб қўйилган эди.

Шимолий Сибирь Бутуниттифоқ зарбдор қурилиши деб эълон қилинди. Трассада кўпгина республикаларнинг вакиллари меҳнат қилмоқдалар. Минглаб йигит ва қизлар қурилишга комсомол йўлланмалари билан келиб зарбдорларча меҳнат қилмоқдалар. Йўл келгусида Сибирнинг шимолий районлари экономикасини ривожлантириш учун зарурдир. Бу йўл мамлакатда йирик Тюмень территориал-ишлаб чиқариш комплексининг энг муҳим транспорт артерияси бўлиб қолади.

ЕР ОСТИ ВОДОПРОВОДИ

Қалмоқ АССР. Яшкул районидаги Молодежник посёлкасининг аҳолисига Волга суви етиб борди. 160 километр узунликдаги ер ости водопровод трассаси Ютина ва Яшкул районларидаги кўпгина чорвачилик қўралари, фермалари, аҳоли пунктлари орқали ўтди. Бу ерга оқиб келадиган сув барча аҳоли пунктлари ва чорвачилик фермаларининг сувга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун, шунингдек кўп минг гектар яйловларга сув чиқариш учун бемалол кифоя қилади.

ИЛҒОР ТАЖРИБА МАКТАБИ

ХАРЬКОВ. Донецк ва Ворошиловград областларининг чорвадорлари Свердлов номли колхоз базасида ташкил қилинган областлараро илғор тажриба мактабининг энг яхши талабалари бўлиб чиқдилар. Улар жамоат чорва маҳсулдорлигини бошқа хўжаликларга қараганда кўпроқ оширдилар. Украинада чорвадорларнинг областлараро илғор тажриба мактабларидан бештаси ишлаб турибди, ана шу мактабларда тингловчилар илғор технологияни ўрганмоқдалар.

КУРОРТ МАВСУМИ

Қримнинг Қора денгиз соҳилидаги янги «Славутич» пансионатида курорт мавсуми бошланди. Пансионатни Крим областининг Красногвардейск районидаги колхозлар барпо этишди. Яқинда у деҳқонларнинг катта бир группасини қабул қилди. Бу ерда бир вақтнинг ўзида салкам 600 киши дам олади. Украинада 18 та колхозлараро санаторий, 30 та пансионат, дам олиш уйлари ва профилакторийлар ишлаб турибди. Республика қишлоқ меҳнаткашларининг дам олиш зонаси муттасил кенгайиб бормоқда.

(ТАСС).

ЧОРВА МАҲСУЛДОРЛИГИНИ ОШИРАЙЛИК

МУТАХАССИСЛАР МАСЛАҲАТИ

Илғор хўжаликлар тажрибаси кўрсатяптики, ҳар 100 бош сигирдан 100 та ва ундан кўп бузоқ олиш мумкин ва лозим. Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институтининг «Красний водопад» тажриба базаси, «Чиноз» наслчилик совхоз-техникуми, «Малик» совхози, Тошлоқ районидаги «Оқ олтин» колхозида шундай кўрсаткичга эришиляпти. Ленинград районидаги Охунбобоев номли, Хатирчи районидаги «Ўзбекистон», Тошлоқ районидаги «Партия XXII съезди», Сирдарё районидаги Ленин номли колхозларда ҳар 100 бош сигирдан олинган бузоқ 103 тани, Тошкент районидаги «Ленинград» совхозида 104 тани ташкил этди.

Республика бўйича 248 колхоз ва совхозда ҳар 100 бош сигирдан 95 та ва ундан кўп, 149 хўжаликда 90—94 тадан бузоқ олинди. Наманган областида 99 процент хўжаликда 90 тадан ошириб бузоқ олинди. Бироқ ўнинчи беш йилликда республика бўйича олинган бузоқ сони 75—79 тадан ошмайди. Бухоро, Сурхондарё, Хоразм, Жиззах областларида бу борада белгиланган планлар қониқарсиз бажарилмоқда.

Қўнғирот районидаги «Партия XXIV съезди», Чимбой районидаги «Октябрь 40 йиллиги», Дўстлик районидаги Ленин номли, Бойсун районидаги «Дербент» совхозлари, Свердлов районидаги Гагарин номли, Шўрчи районидаги «Оқ олтин» колхозлари 1980 йилда сигирлардан энг кам бузоқ олди. Сигирлар қисир қолиши, кутилганча бузоқ олинмаслиги сут ва гўшт етиштиришни кўпайтиришга салбий таъсир кўрсатяпти. Бутун чоралар кўрилиб, бу камчиликлар тугатилиши керак.

Республика бўйича қорамоллар сонининг суст кўпайтирилаётганига сабаб шуки, подаларда сигирлар салмоғи умумий моллар сонига нисбатан 26—30 процентни ташкил этади, холос. Бу борада Қорақалпоғистон АССР, Сурхондарё ва Жиззах областларида айниқса жиддий камчиликларга йўл қўйиляпти.

Сигирлар, ғунажинларнинг вақтида қочирилмаслиги, қисир қолиши кўнгилсиз оқибатларга олиб келяпти. Сигирларнинг сутдан чиқиши билан урчитишгача бўлган даври ўртача 5—6 ойга чўзиб юборияпти. Бу нормадагидан 3—4 ой ортиқ демакдир. Қочириш 3—4 ойга кечикканда хар 100 бош сигирдан кўзда тутилганига нисбатан 30—36 та кам бузоқ, 30—36 тонна кам сут олинади, гўшт 37 центнергача камаяди.

Сигирларнинг қисир қолишига йўл қўймаслик учун нима қилиш керак? Урғочи қорамолларни яхши сақлаш ва тўйимли озуқалар билан боқиш керак. Сигирлардан кунига 10 килограмм сут соғиб олиш учун 9 озуқа бирлиги, 960 грамм протеин ва бошқа хил озуқалар бериш керак. Озуқа рационида тузишда озуқанинг агрохимия лабораториясидан чиқарилган хулосага амал қилиш лозим. Озуқа таркибида каротин етарли бўлмаса урчитиш яхши натижа бермайди, сигирлар бола ташлайди.

Беда каротин ва протеинга энг бой озуқадир. Беда яхши тайёрланганда ва сақланганда, унинг таркибида каротин кўп бўлади, сақлаш қоидасига риоя қилинмаганда 5—10 баравар камайиб кетади. Шуни эсда тутиш керакки, беда унида каротин миқдори айниқса кўп. Беда ва беда уни билан боқилган сигирларда қисир қолиш ҳоллари камаяди, самарадорлик эса ошади. Қиш ва баҳор ойларида озуқа таркибида каротин камайган тақдирда мутахассисларнинг маслаҳати билан турли дармондорилар белгиланган нормада берилади. Бу эса соғлом насл олинишини таъминлайди. Озуқа таркибидаги кальций ва фосфорнинг нисбатига алоҳида эътибор бериш керак. Сигирларни минерал озуқалар билан боқиш шартларига риоя қилинганда, уларнинг куйикиши тезлашади, яхши урчийди. Туз ва фосфор етишмаса ҳар куни озуқа билан 60—80 грамм монотарий фосфати бериш зарур.

Сигирлар ва ғунажинларни чириган, ачиган силос ва сенаж билан боқишга йўл қўймаслик керак. Уларга ҳаддан ташқари кўп барди ҳам бериб бўлмайди. Бу шартларга риоя қилинмаса, бўғоз сигирларнинг туғиши 100 кун ва ундан кўпроқ муддатга чўзилиб кетади, кейинчалик яхши урчимайди, касалликларга чалинади.

Бўғоз сигирлар ва ғунажинларни боқиш, асрашга алоҳида эътибор бериш керак. «Красний водопад» тажриба базаси, «Чиноз», «Малик» совхозлари, Оржоникидзе районидаги «Маданият» колхози, Тошкент районидаги «Ленинград», Нарпай районидаги «Нарпай» совхозлари ва бошқа қатор хўжаликларда бузоқ, сигирлар ва ғунажинлар майдаланган беда пичани ва уни, аралаш озуқаларга минерал тузлар аралаштирилиб боқилиб, яхши натижаларга эришиляпти. Сигирлар, ғунажинларнинг семизлик даражаси юқори бўляпти, айниқса бузоқлаш муддати яқинлашган сари ўзини тетик тутяпти. Март, апрель, май ойларида озуқанинг ширали, тўйимли бўлишига алоҳида аҳамият бериш талаб этилади. Чунки бу кезларда барча турдаги чорва моллари да дармондорилар, минерал моддаларга бўлган талаб ошади.

Бўғоз сигирлар ва ғунажинлар ҳар куни камида 5—6 соат кездирилиши, бошқа чорва моллариданг ажратилиб алоҳида молхоналарда парваришланиши зарур. Бузоқ олишни кўпайтириш, подалар структурасини яхшилаш, сигирлар сонини ошириш, маҳсулдорлигини кўтариш учун бузоқлар боқиладиган махсус хўжаликлар ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир. Ҳозирги пайтда деярли барча районларда бузоқлар ўстириладиган махсус хўжаликлар ташкил қилинган. Эндиликда уларнинг фаолиятини бутун чоралар билан кучайтириш зарур.

Бироқ, бу борада қилинган ишлар талаблар даражасидан орқада қоляпти. Кўпчилик комплексларда бузоқ-ғунажинларнинг бир кеча-кундуздаги семириши 250—300 граммдан ошмаяпти. Оқибатда ориқ ғунажинлар яхши урчимаяпти, қочириш муддати чўзилиб кетяпти. Қўнғирот районидаги «Партия XXIV» съезди, Чимбой районидаги «Октябрь 40 йиллиги», Бойсун районидаги «Дербент» совхозларида ғунажинларни қочириш муддати 32 ойга чўзиб юборилди. Натижада сарф-харажат кўпайяпти, сут миқдорини ошириш имкониятлари қўлдан бой берилаяпти.

Бузоқ олишни кўпайтиришда сигирларни сунъий усулда урчитишга тайёрлаш ва бу муҳим ишни уюшқоқлик билан қисқа вақтда ўтказиш катта аҳамиятга эгадир. Урғочи чорва моллари нинг куйикиши жуда қисқа муддатда — ўртача бир кеча-кундузда, қиш фаслида бундан ҳам камроқ вақтда юз беради. Шунинг учун мутахассисларгина эмас, балки, сут соғувчилар, молбоқарлар ҳам куйикиш муддатини аниқ ҳисобга олиб, сунъий усулда қочириш чораларини кўришлари керак. Сунъий усулда урчитиш учун асбоб-ускуналар билан тўла таъминланган махсус пунктлар ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир. Урчитиш икки марта ўтказилади. Ҳозирги энг муҳим вазифа 1981 йилда сигирлар ва ғунажинлардан кўп, соғлом бузоқлар олиш учун 15 мартга қадар уларни тўла сунъий усулда урчитишдан иборат. Бунинг учун мутахассисларнинг масъулияти бутун чоралар билан оширилиши лозим.

Сигирлар ва ғунажинларни вақтида зоотехника кўригидан ўтказиш, касалланганларини даволаш кўп ва соғлом насл олишнинг муҳим шартларидан биридир. Бунинг учун сигирлар ва бузоқлар стационар усулида кўриқдан ўтказилиши керак. Мутахассислар урғочи чорва моллари қачон урчитилгани, унинг натижасини мунтазам кузатиб боришлари, махсус журналларда қайд этишлари, техник-осеменаторларнинг календарини тузишлари даркор. Урчитишни муваффақиятли ўтказиш, саморадорлигини ошириш мутахассис кадрларнинг малакасига, меҳнатни тўғри уюштира олишига боғлиқдир. Белгиланган қоидага мувофиқ сигирлар ва ғунажинларнинг 90—95 процента урчиганда, уларнинг ҳар бошқа ҳисобига техник-осеменаторга 50 тийиндан, 95 процентдан кўпи урчиганда 90 тийиндан қўшимча ҳақ тўланади. Молбоқарлар, сут соғувчиларга ҳам 50 тийиндан 5 сўмгача қўшимча пул берилади.

Фарғона область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси колхозларда техник-осеменаторлар, сут соғувчилар, молбоқарлар меҳнатига ҳақ тўлаш қоидаларини ишлаб чиқди. Техник-осеменаторга маълумоти, малакаси, урчитиш муддатини аниқлаши, насл олишдаги юқори кўрсаткичлари ҳисобга олиниб, ҳар ойда ўртача 160 сўмдан ҳақ тўланади.

Чорва моллар туёғини кўпайтириш, қисир қолишига йўл қўймаслик манфаатларини назарда тутиб, йирик фермалар ва комплексларда битта ветеринария врачи — гинеколог штатига эга бўлиш мақсадга мувофиқдир, шунингдек, район ветеринария станциясида ҳам шундай мутахассисларга эга бўлинса, айни муддао бўлар эди.

Ҳар кварталда моллар туёғини кўпайтириш, сунъий усулда урчитиш ва унинг натижалари, урғочи чорва моллари нинг қисир қолишининг олдини олиш борасидаги фан-техника ютуқлари, илғор тажрибаларни ўртоқлашиш мақсадида район миқёсида семинар ўтказиш фойдадан ҳоли эмас. Айни кезда бу борадаги ўз бурчларини муваффақиятли ўтаган, юқори кўрсаткичларга эришаётган ходимлар рағбатлантириб борилиши керак.

Такрор айтамиз, тажриба шуни кўрсатдики, республикада ҳар 100 бош сигирдан камида 100 та бузоқ олиш, ғунажинлар наслини яхшилаш учун ҳамма шарт-шароит ва имкониятлар бор. Резервлардан оқилона фойдаланиб, урғочи чорва моллари, хусусан сигирлар, ғунажинлардан бузоқ олишни кўпайтирайлик. Бу билан сут, гўшт ва бошқа хил чорва маҳсулотлари мўл-кўллигини яратишга катта йўл очамиз.

Ш. АКМАЛХОНОВ,
Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институтининг директори, қишлоқ хўжалик фанлари докторн.

В. БИККУЛОВ,
биология фанлари кандидати.



Узбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги Марказий диспетчерлик хизмати бюросига республикамизнинг барча электр станциялари фаолияти ҳақида ахборотлар келиб туради. Бу ердан тегишли районларга зарур электр энергияси юборишга ҳақида командалар берилади. Суратда: диспетчерлик бюроси ходимлари Владимир Чапорин ва Нуъмон Одилов ўртоқлар иш устида.

А. Горокрик фотоси (ЎзТАГ).

НИДЕРЛАНДИЯ ҲУКУМАТИГА НОРОЗИЛИК

Жиноий унсурлар СССРнинг Нидерландиядаги Аэрофлот ваколатхонасига ва савдо ваколатхонасига қарши ғиғвогарлик ҳаракатлари қилганлиги муносабати билан Гаагадаги совет элчихонаси Нидерландия ҳукуматига қуйидаги мазмунда нота топширди:

«СССРнинг Гаагадаги элчихонаси 1980 йил декабрда Аэрофлотнинг Амстердамдаги ваколатхонасига қарши қилинган қўпол ғиғвогарлик муносабати билан Совет ҳукуматининг топшириғига биноан Нидерландия ҳукуматига қатъий норозилик билдиради. Ана шу ваҳшийлик хуружи натижасида бинода ёнғин чиқди, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулклар йўқ қилинди. Бахтли тасодиф туфайлигина одамлар зарар кўрмади.

Шу нарса эътиборни ўзига жалб қиладики, бир неча кун муқаддам СССРнинг Амстердамдаги савдо ваколатхонаси биноси олдида уюштирилган Советларга қарши намойишдан кейин ана шундай ҳужум қилинди. Шу хусусда элчихона Нидерландия ташқи ишлар министрлигига норозилик билдирган эди.

Буларнинг ҳаммаси Нидерландия маъмурлари Совет Иттифоқининг Нидерландиядаги муассасалари хавфсизлигини таъминлаш учун тегишли чоралар кўрмаётганликларидан, жиноий унсурларнинг хуружларига амалда йўл қўлётганликларидан далолат беради.

СССР ҳукумати Нидерландиядаги совет ваколатхоналари ва совет граждапларининг хавфсизлигини таъминлаш ҳамда келгусида ана шундай тоқат қилиб бўлмайдиган хуружларга йўл қўймаслик юзасидан Нидерландия томони барча зарур чораларни кўради, деб кутади. Совет томони айбдорларнинг қаттиқ жазоланишини ҳамда савдо ваколатхонаси билан Аэрофлот ваколатхонасига етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплашни қатъий талаб қилади.

Нидерландия томони совет муассасаларига ва граждапларига қарши ғанимлик ҳаракатлари такрорланган тақдирда бу Совет — Нидерландия муносабатлари учун қандай салбий оқибатларга сабаб бўлиши мумкинлигини англатиб қўйиш учун совет томонининг имкониятлари борлигини яхши билса керак. Ўз-ўзидан равшанки, бунинг учун жавобгарлик тўла-тўкис Нидерландия томони зиммасига тушади».

(ТАСС).

рилишни ривожлантириш бўлимларида кенг акс эттирилиши керак.

Ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, меҳнат унумдорлигини кўтаришнинг муҳим кўрсаткичларидан бири асосий фондлардан, ишлаб чиқариш қувватларидан рационал фойдаланишдир. Совет давлати ишлаб чиқарув аппаратини вужудга келтириш ва янала такомиллаштиришга, социалистик жамиятнинг моддий-техника базасини яратиш ва янада ривожлантиришга катта аҳамият бериб келмоқда.

Асосий фондларнинг миқдорий ва сифат ўсишида ҳозирги беш йилликнинг бажарилиши айниқса катта аҳамиятга эга бўлади. Асосий йўналишлар лойиҳасида кўрсатилганидек, 1976—1980 йилларда мамлакат халқ хўжалигига сарфланган капитал маблағлар 635 миллиард сўмни ташкил этди, асосий фондлар 1,4 баравар кўпайди, 1200 дан кўп йирик корхона ишга туширилди.

Барча иттифоқдош республикалар, шу жумладан Ўзбекистон халқ хўжалигининг ишлаб чиқариш базаси кўп даражада ўсди. Шу йилнинг ўзидагина барча молия манбалари ҳисобига республикада 5,3 миллиард сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилади. Асосий фондларни ишга тушириш 5,6 миллиард сўмни ташкил этади. Чирчиқ «Электрохимпром» бирлашмасида капролактам, Фарғона азот ўғитлари заводида триацетатцеллюлоза ишлаб чиқарувчи йирик қувватлар ишга туширилди, Маржонбулоқ олтин кони, Навоий ГРЭСида янги турбина, Гулистонда ёғ-экстракция заводи ишга туширилди. Попда нотўқима газламалар фабрикасининг ишга туширилиадиган комплекси қурилди. Қўқон пайпоқ-йигирув комбинати реконструкция қилинди. Наманган шойи газламалар комбинатининг қуввати кенгайтирилди ва бошқа кўпгина бошқа объектлар қурилди.

1981 йилда 5,6 миллиард сўм ҳажмида капитал маблағ сарфлаш назарда тутилган. Бу ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилига нисбатан 108 процентни ташкил этади. Ана шу маблағлар ҳисобига янги йирик замонавий корхоналар қурилади, улар юксак унумли асбоб-ускуналар, автоматлаштирилган ва комплекс механизациялаштирилган линиялар, программа билан бошқариладиган станоклар ва шу сингарилар билан жиҳозлантирилади.

Ҳар бир иттифоқдош республика иқтисодий потенциалининг ошиб бориши, унинг ишлаб чиқариш фондлари фонд билан таъминланишнинг техникавий даражаси миқёсларининг ошишиши, моддий-техника базасининг мустаҳкамланиши — бу масаланинг бир томони, холос. Айни вақтда яратилган моддий фондлардан янада тўлароқ ва самаралироқ фойдаланиш ҳам муҳим проблемадир.

Асосий йўналишлар лойиҳасида яқин ўн йил ичида капитал қурилиш самарадорлигини ошириш, уни изчиллик билан индустриалаштириш, асосий фондларни сифат жиҳатидан такомиллаштиришни яхшилаш, янги ишлаб чиқариш қувватларини тезроқ ишга туширишни ва ўзлаштиришни, мавжуд корхоналарни реконструкция қилишни тезлаштириш вазифаси қўйилган. Йўналишларнинг IV-бўлимида ишлаб чиқариш қувватларидан ва асосий фондлардан фойдаланишни яхшилаш зарурлиги, машиналар ва асбоб ускуналарнинг сменали ишлаш коэффициентини ошириш лозимлиги алоҳида таъкидланган.

Бу вазифаларни асосий ишлаб чиқариш фондларининг иқтисодий самарадорлигини оширишнинг каттакатта резервларидан фойдаланиш йўли билангина ҳал қилиш мумкин. Бу резервлар аввало янги ишга туширилиадиган қувватларни ўзлаштиришни жадаллаштириш ва лойиҳада кўрсатилган техникавий-иқтисодий кўрсаткичларга эришиш, иш ўрнини, моддий-техника таъминотини аниқ ташкил этиш ва шу сингарилардан иборатдир.

Республика саноати ишининг таҳлили шуни кўрсатадики, кўпгина корхоналарда асбоб-ускуналардан сменали фойдаланиш даражасини ошириш юзасидан муайян ишлар қилинмоқда. Шундай бўлсада, уларнинг анча бекор туриб қолиш ҳоллари юз бермоқда, вақт фондидан етарли фойдаланилмаётир, сменаларнинг нагрузкаси тўла эмас, ҳатто механизациялашган поток линияларда ва автоматлаштирилган линияларнинг кўп қисми бир смена ишламоқда.

Фан-техника жадал суръатлар билан ривожланаётган ҳозирги шароитда асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш ва меҳнат унумдорлигини кўтариш ҳар бир иш вақтидан рационал фойдаланиш вазифасини ҳал қилиш билан боғлиқдир.

Ўнинчи беш йиллик мобайнида саноатда, қурилиш, транспорт ва халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, иш вақти ва дам олиш режимини оқилона белгилаш юзасидан кўп ишлар қилинди.

Аммо, мамлакат халқ хўжалиги, жумладан Ўзбекистон экономикасида иш вақтининг бекор сарф бўлишини қисқартиришда катта резервлар бор. Маъмурият рухсати билан бериладиган қисқа муддатли отпускалар, бекор туриб қолиш, прогул қилиш ҳоллари ҳали ҳам кўп. Иш вақтидан ҳамма ресурсларидан фойдаланиш, унинг унумсиз харажатларини тугатиш, ишлаб чиқариш жараёнининг нормал боришини бузиш ҳолларини тугатиш меҳнат унумдорлигини ошириш ва фондларнинг самарадорлигини анча яхшилаш имконини берган бўлур эди.

Ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ривожланган социализмнинг кўпдан-кўп социал вазифаларини ҳал қилиш кўрсатгичи бўлиб, у ўз ичига юқорида кўрсатилган фанторлар билан бирга, соф фойда ишлаб чиқаришни ўстириш суръатларини, материаллар сарфини камайтиришни, рентабелликни оширишни, оборот маблағларининг муомалада бўлишини тезлаштиришни, аҳоли жон бошига, бир ходим ҳисобига миллий даромад ишлаб чиқишни оширишни ҳам ўз ичига олади.

Маҳсулот сифати кўрсаткичини алоҳида ажратиб кўрсатмоқ керак. Янги машиналар ва механизмларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш, технология жараёнларини такомиллаштириш, энг самарали материаллардан кенг фойдаланиш, ҳамда илғор фан ва техника ютуқларидан фойдаланишнинг бошқа йўллари ижтимоий ва шахсий истеъмолни энг кўп даражада қондиришга қодир бўлган янги маҳсулот турларини яратишнинг муҳим шартидир. Бу масалаларнинг ҳаммаси Асосий йўналишлар лойиҳасида тўла акс этган.

Шу ва бошқа кўрсаткичларнинг роли алоҳида аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олиб, бу муҳим партия ва давлат ҳужжатида «Иқтисодий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш» деган махсус бўлим киритилиши мақсадга мувофиқдир. Бу ҳол ана шу кўрсаткичларнинг ҳаммасини биргаликда олиб кўриш ва бу билан социалистик экономикани ўстириш ва такомиллаштиришни планли йўналишда ривожлантиришнинг асосий йўлларини аниқ ифодалаб бериш имконини беради.

М. ШАРИФХЎЖАЕВ,
иқтисод фанлари доктори, профессор.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

СССР УЧУН САНОАТ РОБОТЛАРИ

● БУДАПЕШТ. Бешинчи беш йиллик мобайнида Венгриянинг «Эдьешольт иззо» заводида тайёрланган салкам 500 та саноат роботи СССРга етказиб берилди. Венгрия ишлаб чиқарилган автомат роботлардан, жумладан кинескоплар йиғишда кенг фойдаланилмоқда.

Завод мутахассислари роботларнинг конструкциясини такомиллаштириш учун кўп куч-ғайрат сарфладилар. Корхона автомат роботларни кўплаб ишлаб чиқара бошлаган беш йилликнинг дастлабки йилларида улар фақат тўртта операцияни бажара олган бўлса, эндиликда Венгриянинг саноат роботлари 250 дан кўпроқ программани «ўзлаштириб» олди.

ОЛТИ ЮЗ МИНГТА ЕНГИЛ АВТОМОБИЛЬ

● БУХАРЕСТ. Питештида енгил автомобиллар ишлаб чиқариладиган Руминиядаги энг катта завод конвейеридан янги йил арафасида 600.000 рақами қўйилган тайёр автомашина тушди. Атиги 12 йил муқаддам корхона дарвозасидан «Дачия» маркали биринчи машина чиқарилган эди. Ҳозир эса бу ерда етти хил типдаги янги машина ишлаб чиқарилмоқда. Эндиликда «Питештида ясалган» тамғаси тушириллган машиналарни ГДР, Югославия, Польша, ГФР, Голландия, Австралия йўлларида учратиш мумкин. Ҳар йили Руминиянинг салкам 20 минг автомобили турли мамлакатларга жўнатилмоқда.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЎРТ БАРАВАР ЎСДИ

● СОФИЯ. Самоковдаги «Рильский лен» тўқимачилик комбинати кейинги икки йил ичида ишлаб чиқариш ҳажмини тўрт баравар кўпайтирди. Болгарияда зиғир толадан тўқилган газламалар тўқиб чиқарувчи энг катта корхоналардан бирининг бу ютуғи ички бозор эҳтиёжларини тўлароқ қондириш имконини берди. Ғоят сифатли ва жуда хилма-хил бўлганлиги туфайли комбинат тўқиб чиқараётган газламалар чет элларда ҳам ниҳоятда харидоргирдир. «Рильский лен» комбинати Совет Иттифоқи, Италия, ГФР ва бошқа кўпгина мамлакатларга маҳсулот етказиб бермоқда.

СОЦИАЛИСТИК ЮГОСЛАВИЯ ТЕНГДОШИ

● БЕЛГРАД. Мамлакатдаги энг йирик «Белград» агросаноат комбинатини социалистик Югославиянинг тенгдоши деб аташади. Ўзининг 35 йиллигини нишонлаётган шу комбинатнинг тарихи — урушдан кейинги йилларда Югославия қишлоқларида содир бўлган ўзгаришлар йилномасидир. Ўтиб бўлмас ботқоқликлар ўрнида вужудга келган комбинат неча ўн минг гектар экин-зорга эга бўлган юксак даражада механизациялаштирган кўп тармоқли хўжаликка айланди. Ҳар йили бу ерда ўрта ҳисобда юз минг тонна буғдой олинмоқда, 2,5 минг бош сигирни парвариш қилишга мўлжалланган сутчилик комплекси ишлаб турибди.

АЖОИИБ ҒАЛАБА

● ГАВАНА, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги номли шакар қамиш йиғиштирувчи комбайнлар комбинатининг механиклашган ва бу ерда ишлаётган совет мутахассислари маҳаллий аҳоли билан бирга ажойиб ғалабани — 1980 йилда беш юзта комбайн ишлаб чиқарилганлигини тантанали суратда нишонладилар. Корхона коллективи Куба Компартиясининг II съезди шарафига қабул қилган социалистик мажбурият бажарилди. Мамлакат планидан ташқари 20 та машина олди.

Комбинат ҳақиқатан ҳам Совет — Куба дўстлиги рамзи ҳисобланади. Советлар мамлакатининг техникавий кўмаги билан барпо этилган бу комбинат Озодлик ороли машинасозлигининг энг йирик корхоналаридан бирига айланди.

САВОДСИЗЛИККА ҚАРШИ КУРАШ КАМПАНИЯСИ

● ВЬЕНТЬЯН. Лаосда саводсизликка қарши кураш кампанияси авж олдириб юборилди. Халқ ҳокимиятининг беш йили ичида неча мингдаб лаосликлар ўқиш ва ёзишни ўрганиб олдилар. Эндиликда аҳолининг 80 процента саводлидир. Мамлакатнинг амалда барча районларида, шу жумладан Удомсой каби тоғли районларда ҳам саводсизликни тугатиш курслари ташкил этилган, Яқин вақтларгача ана шу Удомсой районида ўз номини ёза оладиган кишилар камдан-кам топилар эди.

(ТАСС).

ВАРШАВАДА МАЖЛИС

ВАРШАВА. Польша Бирлашган ишчи партияси, мамлакатнинг бошқа сиёсий партиялари ва жамоат ташкилотларини ўз ичига олувчи оммавий ташкилот — Халқ бирлиги фронти Умумпольша комитети президиумининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлис Халқ бирлиги фронти Умумпольша комитетининг раиси, ПХР давлат кенгашининг раиси Г. Яблоньский раҳбарлигида ўтди.

ПАП агентлигининг хабар қилишича, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари ва фронт воевода комитетлари раҳбар органларининг таклифларига биноан Умумпольша комитети составига ПБИП Марказий Комитетининг Биринчи секретари С. Каня, ПХР Министрлар Советининг раиси Ю. Пиньковский киритилди. ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси М. Мочар ва Бирлашган деҳқонлар партияси бош комитети раисининг ўринбосари Б. Кус Умумпольша комитети раисининг ўринбосарлари этиб тайинланди.

Президиум шу йилнинг январь ойида Халқ бирлиги фронти Умумпольша комитетининг ялпи сессиясини чақиришга қарор қилди.

(ТАСС).

ИЧКИ ИШЛАРГА АРАЛАШУВ

ПАРИЖ, 5 январь. (ТАСС). АҚШ собиқ давлат секретари Г. Киссинжернинг Миср, Сомали, Уммон, Исроил ва Саудия Арабистонига сафари Қўшма Штатларнинг ўзгалар ишига аралашуви муттасил кучайиб бораётганлиги белгиси остида ўтмоқда.

Франс-Пресс агентлигининг Могадишодан хабар қилишича, Г. Киссинжер Сомалидан жўнаб кета туриб, «Ҳинд океанида Американинг ҳарбий кучларини тобора кўпайтириш» керак, деган гапни айтди. Агентлик телеграммаларида уқтирилишича, океан ортидан келган сайёҳнинг Сомали президенти Сиад Барре билан олиб борган музокаралари жумладан «Сомали территориясида Қўшма Штатлар ихтиёрига берилаётган ҳарбий иншоотлардан фойдаланишга» тааллуқли бўлди. Аслида гап Африкада, Ҳинд океани ҳавзасида ва Яқин Шарқда Американинг жаҳон миқёсидаги аралашувини кенгайтириш тўғрисида борди.

Могадишода Г. Киссинжер Америка экспансиясини «Совет хавфи» бор деган ўйдирма билан оқлашга уриниб, АҚШнинг чегараларидан жуда олис бўлган мана шу регионда унинг машъум «миллий манфаатлари»ни таъкидлади.

Обзорчилар Киссинжернинг айтган гапларини ривожланаётган мамлакатлар ўртасига нифоқ солиш йўлидаги ошкора уринишигина эмас, шу билан бирга Вашингтонга маъқул бўлмаган сиёсий йўлни ўтказаётган мустақил давлатларга қарши куч ишлатиш «ҳуқуқи»ни ҳам ўзлаштириб олиш йўлидаги уриниш, деб баҳоламоқдалар.

Могадишодаги музокаралар давомида Киссинжер Сомалининг Африка мугузи проблемалари юзасидаги позициясини қўллаб-қувватлаб, уни «қизиқишга молик» деб атади, мазкур масала юзасидан фикрлашувни эса у «жуда фойдали» деб таърифлади. Маълумки Сомали қўшни Жибути, Кения ва Эфиопия территорияларининг бир қисмини даъво қилмоқда.

Гарчи мазкур сафар «хусусий сафар» деб айтилаётган бўлса ҳам Киссинжер Вашингтонга қайтиб келганидан кейин музокаралар тўғрисида янги раҳбарларга ҳисобот бераман, деб эътироф этди.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

ЛИССАБОН.

Португалия республикасининг президенти генерал Рамалью Эанеш миллий телевидение орқали гапириб, кескин сиёсий тангликларга қарамай, 1980 йилда демократик қонунчиликни сақлаб қолишга ва мустаҳкамлашга, давлат ҳокимиятининг турли органлари биргаликда иш кўришини таъминлашга муваффақ бўлганини таъкидлади.

Португалия халқи диктаторлик режимини ўрнатиш йўлидаги уринишларни даф этиб, озодлик ва демократия идеалларига содиқлигини намойиш қилди. Сиёсий барқарорлик таъминланган ҳозирги пайтда, деб таъкидлади Рамалью Эанеш, барча куч-ғайратни социал ва иқтисодий ривожланиш проблемаларини ҳал этишга йўналтириш зарур.

СПОРТ

Олий маҳорат мактабида

ОЛИМПИАДАНИНГ МАШАҚҚАТЛИ ЧЎҚҚИЛАРИ

Фарғона шаҳрида олий спорт маҳорати мактаблари директорлари ҳамда Олимпиада резерваси марказлари раҳбарларининг Бутуниттифоқ семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Анжуман қатнашчилари Фарғонадаги олий спорт маҳорати мактаби фаолиятини атрофлича ўргандилар. Мазкур мактабга бунчалик қизиқишнинг боиси нимада?

1968 йил. Фарғонада олий спорт маҳорати мактаби ташкил этишга қарор қилинди.

— Сизнинг асосий вазифангиз, — дейишди область физкультура ва спорт комитетида янги мактаб раҳбарларига, — республика ҳамда мамлакат терма командаларига истеъдодли спортчилар тайёрлаб беришдан иборат.

Аммо, ҳолва деган билан оғиз чучимас экан. Беш-олти йилгача мактаб қаддини кўтаролмай юрди. Тажрибали тренерлар етишмасди. Мактабнинг ўз спорт базасига эга бўлиши ҳақида-ку гап ҳам юритилмасди. Натижада 1970 йили бу ерда бор йўғи бир нафар спорт мастери тайёрланди, холос.

Нима қилиш керак? Олий мактаб ўз номига яраша ишламаса, ундан нима фойда? Мактабга ишбилармон, ташкилотчи Виталий Фен директор қилиб тайинланди.

В. ФЕН, Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган жисмоний тарбия ходими.

— Мен ишни тренерлар билан яккама-якка суҳбатдан бошладим. Маълум бўлдики, улар спорт мастери ёки Ўзбекистон терма командасига муносиб номзод тайёрласак бас, деган фикрдан бошқа нарсани ўйламас эканлар. Йиллар ўтгач талаб ҳам ўзгаришини ҳисобга олишмасди. Олий спорт маҳорати мактаби етук спортчилар тарбиялаш маскани эканми, демак, унинг талабалари СССР терма командалари сафидан жой олиши керак. Бошқача айтганда, олимпиадачилар тайёрлаш лозим...

Янги директорнинг топшириғи аввалига тренерларга ҳал этиб бўлмайдиган муаммодек туюлди. Зудлик билан барча ўқув-машқ жараёнларини қайтадан кўриб чиқиш, ўртага қўйилаётган масала моҳиятига янгича ёндашиш, энг муҳими, мавжуд куч ва имкониятларга қатъий ишонч ҳосил қилиш лозим эди. Бунда сиёсий тарбиявий ишларнинг кучайтирилганлиги катта аҳамият касб эта бошлади. Тренерлар кенгашининг фаолияти жонлантирилди. Унинг мажлисларига кўнгилли спорт жамиятлари ҳамда болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари мураббийларини таклиф қилиш одат тусига кирди.

Т. СОБИРОВ, Узбекистон ЛКСМ область комитети секретари:

— Физкультура ва спорт ишларини ташкил этишни яхшилаш, бу фақат меҳнаткашларнинг, айниқса ёшларнинг спортга қизиқишларини қондириш, уларнинг актив дам олиши учун шароит яратиб беришдангина иборат эмас. Бу ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш учун олиб бориладиган ишнинг таркибий қисмидир. Шунинг учун область комсомол комитети олий спорт маҳорати мактабига ҳар томонлама ёрдам беришни ўз бурчи деб билди. Мактабни оёққа турғазишда комсомол ташкилотлари билан ўтказиладиган педагогика советларининг кенгайтирилган йиғилишлари муайян роль ўйнаяпти. Уларда область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари комитети, республика спорт комитети масъул ходимларининг иштирок этаётганлиги тренерлар, мутахассислар ва спортчиларни юксак марраларни эгаллашга руҳлантирмоқда...

Учинчи беш йиллик Фарғона олий спорт маҳорати мактаби фаолиятида ўчмас из қолдирди. 1976—1980 йиллар мобайнида 122 нафар СССР спорт мастери ҳамда тўрт нафар халқаро классдаги спорт мастери тарбияланди. Велосипедчи Светлана Панина қизлар ўртасида СССР чемпиони номига сазовор бўлди. Моҳир курашчи Эдуард Фатиков Туркия, Эрон ва Афғонистонда ўтказилган халқаро турнирларда ғолиб чиқди. Ёшлар ўртасида жаҳон чемпионатида кумуш медаль совриндори бўлди. Штангачи Александр Картунов СССР биринчилигидан олтин медаль билан қайтди. Енгил атлетикачи Олим Сафаров ўсмирлар ўртасида ўтказилган мамлакат биринчилигида икки марта ғолиблик супасидан жой олди. Республикада хизмат кўрсатган тренер Юрий Яшиннинг шогирдлари: Люба Кирюхина, Ольга Маругина ва Рита Жупиковалар ҳақида ҳам ана шундай илиқ гапларни айтиш мумкин. Люба қизлар ўртасида ўтказилган Европа чемпионатида Бутуниттифоқ рекордини ўрнатди.

СССР халқларининг ёзги VII Спартакиадаси мактаб коллективи учун жиддий имтиҳонга айланди. Республика мусобақаларида мактаб талабаларидан иборат терма командаларининг қарийб ҳаммаси спортнинг олти тури бўйича мукофотли ўринларни олди. Улар 1008 очко тўпладиларки, бу аввалги Спартакиадада қўлга киритилганидан икки марта кўпдир. Москвадаги финал беллашувларида мактабнинг 18 нафар спортчиси қатнашиб, Узбекистон командаси жамғармасига 117 очко билан муносиб ҳисса қўшди. Курашчилардан Э. Фатиков ва Р. Иброҳимов, боксчилар У. Омаров ва В. Юдин, штангачи А. Картунов, енгил атлетикачи Г. Кондринанинг улуши салмоқли бўлганлигини алоҳида таъкидлаш жоиздир.

— Коллективимиз учун энг қийин, энг самарали ва қувончлиси 1980 йил бўлди, — десам муболаға қилмаган бўламан, — сўзлайди мактаб тренерларидан бири Баҳодир Мўминов. — 30 нафар спорт мастери тайёрланди. 90 га яқин шогирдларимиз республиканинг ёшлар ва асосий терма командаларининг аъзоси. Шулардан 12 нафари СССР терма командасига номзод. Бутуниттифоқ ва халқаро мусобақаларда 19 та олтин, 17 та кумуш ва 20 бронза медали олинди.

А. МАҲМУДОВ, халқ депутатлари область Совети ижроия комитети физкультура ва спорт комитети раиси:

— Биз мактабимиз эришаётган муваффақиятлар билан ҳақли равишда фахрланамиз. Агар бу областлардаги олий спорт маҳорати мактабларияро республика мусобақасида 1978 йили учинчи, 1979 йили иккинчи ўринни эгаллаган бўлса, ўтган йил планни барча кўрсаткичлар бўйича бажариб, биринчи ўринни қўлга киритди. Бундай ютуққа энг аввал тренерларимизнинг фидокорона меҳнатлари туфайли эришилганлигини таъкидлаш зарур. Тренерлардан А. Скворцов, С. Муртазоев, В. Хлопов, П. Агапов, С. Бўтаев, Ю. Яшин ва Б. Мўминовларнинг фаолияти ҳар қанча мақтовга лойиқ.

Кўрсаткичлар қанчалик юқори бўлмасин, қаноатланишга эрта. Агар фарғоналик спортчиларнинг рақобатга дош беролмай, Москвадаги Олимпиада ўйинларида қатнаша олмаганини ҳисобга олсак, умуман қаноатланиш тўғрисида гап бўлиши мумкинми? Мактабда спортнинг барча турлари баравар ривожланяпти, дейиш имкони йўқ. Енгил ва оғир атлетика бўлимларида аҳвол бирмунча ўнгилдагидек кетаётган бўлса, кураш, бокс ва велосипед спорти бўлимларида зарур тартиб ўрнатилмаган. Ҳамон малакали, тажрибали тренерлар етишмайди. Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари унга ўз талабаларини жуда ҳам кам юборишяпти.

Фарғона спорт маҳоратини ошириш мактаби бўлажак Олимпиадагача СССР терма командасига икки нафар Олимпиадачини етказиб бериш мажбуриятини олди. Ҳадемай, оғир атлетика, кураш заллари, тиклаш маркази ҳамда икки қаватли маъмурий бинодан иборат спорт комплекси фойдаланишга топширилади. Танланган маълум спортчи билан махсус программага мувофиқ машқ ва машғулотлар бошлаб юборилди.

Фарғоналикларнинг Олимпиада терма командаси составидан жой олиши ҳақидаги орзулари рўёбга чиқиши тўрган гап. Чунки, улар танланган йўл гарчи машаққатли бўлсада, тўғри йўлдир.

Э. ХЎЖАЕВ, «Совет Узбекистони» махсус мухбири.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА:

СТУДЕНТЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

«Ёшлик» спорт аренасида Тошкент шаҳар шахсий-команда биринчилиги бўлди. Янги йилнинг дастлабки мусобақасида «Буревестник» студентлар кўнгилли спорт жамияти аъзолари умумкоманда ҳисобида муваффақият қозондилар. «Меҳнат» ва «Спартак» коллективлари иккинчи ҳамда учинчи ўринларни эгаллашди. Шахсий ҳисобда уч хатлаб сакраш бўйича В. Черненко (15,7 метр) ғалаба қозонган бўлса, 60 метрга югуришда В. Климов (6,8 секунд) биринчи бўлди. Январь ойи мобайнида енгил атлетикачиларимиз бир қанча мусобақаларда иштирок этадилар. Чунончи, Қарағанда шаҳрида СССР кубоги учун курашда, Тошкентда эса ўсмирларнинг шахсий-команда биринчилигида, Узбекистон шахсий-команда чемпионатида ва Узбекистон комсомоли Марказий Комитети кубоги учун мусобақаларда куч синашадилар.

ФУТБОЛ:

ТАЪТИЛ КУНЛАРИДА

Мактаб ўқувчиларининг таътил кунларида анъанавий равишда ўтказиладиган мини-футбол мусобақалари мухлисларда яхши таассурот қолдирмоқда. Республика областларининг командалари биринчи ўринни олиш учун ҳаракат қилмоқдалар. Дастлабки учрашувларда қуйидаги ҳисоблар қайд қилинди: Тошкент шаҳри — Сурхондарё —7:5, Фарғона —Хоразм — 1:3 Андижон — Тошкент области — 1:8, Сирдарё — Қашқадарё — 7:4, Бухоро — Наманган — 5:1. Ғолиб команда 11 январь куни аниқланади.

БАҲСЛАР, МАРРАЛАР, ҒОЛИБЛАР

● **ГИМНАСТИКА.** Таллин шаҳрида Бутуниттифоқ шахсий-команда турнири ўтказилди. Мусобақада республикамиз терма командаси биринчи ўринни олди. Шахсий ҳисобда тошкентлик В. Зарипова ғолиблик супасининг иккинчи поғонасига кўтарилди.

● **ХОККЕЙ.** Усмирларнинг ГФРда ўтказилган жаҳон чемпионати якунида Швеция хоккейчилари ғолиблик қилишди. Финляндия ва СССР командалари иккинчи ҳамда учинчи ўринларни олишди.

● **ШАХМАТ.** Тож даъвогарлари Хюбнер (ГФР) ва Корчной ўртасидаги еттинчи учрашувдан кейин ҳисоб (3,5:3,5) тенглашди.

● **ФУТБОЛ.** Уругвайда жаҳон чемпионлари ўртасида ўтказилаётган турнирнинг биринчи финалчиси аниқланди. Уругвай футболчилари Италия номандасини (2:0) енгиб, ҳал қилувчи баҳсга йўлланма олишди.

● **ВОЛЕЙБОЛ.** Самарқандда таниқли спортчи ва тренер Б. Мароканов хотираси совғини учун анъанавий турнир ўтказилди. Қарағанда, Фрунзе, Волгоград, Ашхобод, Душанба ва Самарқанд командалари иштирок этган бу мусобақада майдон эгаларининг «Кинап» заводи волейболчиларидан тарқиб топган командаси ғалаба қозонди. Аёллар ўртасида фрунзелик волейболчилар совриндор бўлдилар.



Андижон давлат медицина институти ўтган чорак аср мобайнида республикамизнинг энг йирик олий ўқув юртларидан бирига айланди. Бу ерда йигит-қизларга тиб илми асосларини ўргатишдан ташқари жуда катта даволаш ва илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бунинг учун ҳамма шароит яратилган, лабораториялар замонавий медицина техникаси ва диагностика асбоб-ускуналари билан жиҳозланган.

Суратда: институт қошидаги 850 ўринли кўп профилли клиник шифохонанинг умумий кўриниши.

Р. Ашуров фотоси (ЎзТАГ).

АХБОРОТ

МАДАНИЯТ ХАБАРЛАРИ

Янги билим юртлари

Тошкент тўқимачилик комбинатида ишлаш истагида бўлган қиз ва йигитларга қулайлик яратиш мақсадида яна иккита янги ҳунар-техника билим юрти очилди. Бу билим масканларига саккизинчи ва ўнинчи синфни битирган ёшлар қабул қилинади. 227-ўрта ҳунар-техника билим юрти тўқувчи ва йигирувчи касбини ўрганмоқчи бўлганларни ўз бағрига олди. Собир Раҳимов районидаги 22-мактабнинг эски биносига жойлашган 228-ўрта ҳунар-техника билим юртида эса бўёқчилар, дурадгорлар, паркетчи ва токарлар, электромонтёр ва слесарлар тайёрланади.

Донгдор комбинатга малакали мутахассислар етказиб беришга ихтиросслашган билим масканларида йигит-қизларга ўз ишининг усталари бўлган мураббийлар сабоқ берадилар. Ҳар иккала билим юрти аудиторияларида, устахона ва фан кабинетларида мингга яқин киши янги йилдан ўқув машғулотларини бошлаб юборди.

Н. ТИЛЛАЕВА, ТошДУ студенти.

Катта раҳмат

Улуғ Ватан уруши ҳамда япон милитаристлари билан уруш тугаганига 35 йилдан ошди. Аммо жангу жадаллар биз, собиқ фронтчиларга ҳамон ўз асоратини кўрсатиб туради. Партия ва ҳукуматимизнинг доимий ғамхўрлиги, халқимизнинг эъзозлаши туфайли бу асоратларга сўз бермай келаётирмиз.

Ҳар йили бепул даволанишнинг ўзи ҳазил гап эмас. Буни айниқса «Жайроқхона» физиотерапик шифохонасида яна бир карра ҳис этдик. Сурхондарё областидаги бу шифохонада йилига 2600 дан ортиқ киши даволанади. Улар орасида биз каби уруш ветеранлари оз эмас. Гап одатдаги шифо чоралари, ванна қабул қилиш ва бошқа физиотерапик талбирларда эмас. Бу ерда беморларга нисбатан ҳар қадамда ғамхўрлик сезилиб туриши, врач ва ҳамшираларнинг хушмуомаласи, қўйинг-чи одам ўзини уйдагидек ҳис этиши ҳар қандай дарддан фориғ бўлишга ёрдам беради. Т. Қосимова, Ў. Кенжаев, Т. Маматўраев каби шифокорлар, ҳамма медицина ҳамшираларига минг раҳмат.

М. ТУЛАГАНОВ, Улуғ Ватан уруши инвалиди.

* * *

Шунингдек, газетхонлардан **Т. Ҳамдамов** (Тошкент), **Р. Каримова** (Наманган), **Ў. Турсоатов** (Сурхондарё), **П. Бобожонов** (Хоразм), **А. Носиров** (Самарқанд), **Ҳ. Аҳмедова, Ш. Рўзнматов, М. Маҳкамов** (Фарғона) ва бошқалар ҳам турли мавзуларда редакциямизга хат-хабарлар йўллашган.

ДЎСТЛИК МЕРИДИАНЛАРИДА

МОСКВАДА ТОПИЛГАН ДЎСТ

— Ёшим қирққа яқинлашиб қолди. Касбим шифокорлик. Ҳали Москвани кўрмаганман. Армоним биргина шу.

Коммунистик район касалхонасининг терапевти Мамажон Нурмаҳоновнинг бу сўзларини касаба союз комитетидагилар эшитиб қолгандай, унга ўтган янги йил арафасида Москва шаҳрига яқин жойдаги Звенигород турбазасига йўлланма беришди. Янги йилга икки кун қолганида уни совға саломлар билан кузатиб қўйишди. Самолётдан тушган Мамажон йўл-йўлакай пойтахт манзараларини тўйиб-тўйиб томоша қилиб «Ярославль» меҳмонхонасига етиб келди.

Меҳмонхонада жой сўраган одам кўп. Иттифоқимизнинг кўпгина шаҳарларидан меҳмонлар бор.

Администратор хушфеъл аёл экан, меҳмонларнинг ҳужжатларини кўриб «Сабр қилинглар, жой бўлиб қолар» деб ширин жавоб қиларди.

Администратор аёл Мамажонга ҳам жой ёзаётганида ўнг қўлига таҳтакач боғланган, эллик ёшлар чамасидаги киши эшикдан кириб келди.

— Сочидан келаётган эдим. Машина сирғаниб кетиб ўнг қўлим шикастланди, докторга бориб келгунимча кечикдим, — деди у. Бу киши сочилик қурувчи Николай Арсентеевич эди. Мамажон врач эмасми, беморга раҳми келди шекилли, бу кишига менинг жойимни бера қолинг, — деди.

— Иккалангиз ҳам бир хонада бўласизлар, — деди администратор ва меҳмонларга жой кўрсатди.

Туни билан уйқу бўлмади. Меҳмон оғриқдан анча азобланди. Мамажон аптекадан дори-дармон олиб келди. Ичқазди, оғриган жойига суркади. Мамажон қўлтиқ остидаги тахтакачнинг валигини олиб ташлади. Шундан сўнг бемор уйқуга кетди. Мамажон Москвани кўрмаган, кўчага чиқиб томоша қилгиси келади. Бироқ бемор меҳмонни қандай ташлаб кетсин. Туни билан ухламаган бемор эртасига кеч уйғонди. У ҳеч нарса билмаган, кўрмагандек ўнг қўлини қимирлатиб бемалол ҳаракат қилдирарди. Николай Арсентеевич қутилмаганда жонкуяр дўст топганидан хурсанд бўлиб кетди. У ҳам Звенигород турбазасида дам олишга йўлланма олган экан.

Москвада топишган икки дўст пойтахт кўчалари, проспектларини, Кремль қурантини, Ленин музейини завқ билан томоша қилишди.

Яна бир неча минутдан кейин янги йил кирарди. Қизил майдон гавжум. Ранг-баранг ёриқ, майдалаб ёғиб турган қор уларнинг кайфиятини кўтарди. Ҳар иккаласи ҳам Москвада биринчи марта бўлганини ҳаяжон билан сўзлаб, умрбод дўст бўлиб қолайлик дейишди.

Шундай бўлди ҳам. Улар бир умрга дўст бўлиб қолдилар.

Р. ИСҲОҚОВ.

АЖОЙИБОТЛАР ОЛАМИДА

ТОШ МЎЪЖИЗА

Ураллик эртакчи Бажов тараннум этган тош гул инсон санъатининг тожидир. Донбассда эса табиатнинг ўзи шундай мўъжизани яратган.

Константиновка шаҳри яқинида жойлашган мамлакат территориясидаги бардан-бир палеонтологик қўриқхонада тошга айланган гул у ёқда турсин, бўйи 12—15 метрга борадиган бутун-бутун дарахтларни ҳам кўриш мумкин. Тош дарахтларнинг пайдо бўлишини олимлар бундай деб тушунтирадилар: бундан 250—260 миллион йил аввал ҳозирги Донецк тоғ кряжи ўрнида каттакон ботқоқ текислик бўлган. Бу ерда улкан қирқ бўғим папоротник ўсимликлари орасида ҳозирги игна барг ўсимликларнинг аждоди араукари ҳам ўсган. Тош ўрмон айни шу дарахтлардан ташкил топган.

Доимо кўм-кўк ўрмонзорлардан ўтган қаттиқ бўронлар ва шу бўронлар чоғида ёққан жала дов-дарахтларни илдизи билан дарёларга оқизиб, лойқа узанларида уйган. Бу ерда кислородсиз улкан дарахтлар кўмирга айланолмай, тош бўлиб қолган. Орадан миллион-миллион йиллар ўтади. Ер пўстлоғининг жўшқин бурмаланишлари чоғида Константиновка —Дружковская антиклинали — каттакон қабариқ ер пайдо бўлади ва шу жойда ер остида қолиб кетган дарахтлар ҳам тоғ жинслари билан бирга кўтарилиб қолади.

Тош дарахтларни давлат ўз муҳофазасига олган. Табиатнинг бу нодир ёдгорлиги Донецк университетининг планета узоқ ўтмишини ўрганувчи олимлари ва студентлари учун лаборатория бўлиб қолди. (ТАСС).

ХРОНИКА

КИШИНЕВ, 3 январь. (ТАСС). Молдавия ССР Олий Совети Президиуми республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, Госплан раиси бўлиб ишлаган И. Г. Устиянни Молдавия ССР Министрлар Советининг Раиси қилиб тайинлади.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ОБЛИГАЦИЯЛАРИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ!

1966 ЙИЛГИ 30 ли ДАВЛАТ ИЧКИ ЮТУҚЛАР ЗАЕМИ

116-ЮТУҚЛАР ТИРАЖИНИНГ

РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Бу тираж 1980 йил 30 декабрда Москва шаҳрида бўлиб ўтди. ЗАЕМНИНГ ҲАММА ТЎҚСОН ЕТТИ РАЗРЯДИДАГИ СЕРИЯ ВА ОБЛИГАЦИЯЛАРИНИНГ ҚУЙИДАГИ НОМЕРЛАРИГА ЮТУҚЛАР ЧИҚДИ.

серия номерлари	облигация номерлари	ютуқ миқдори (сўм билан)	серия номерлари	облигация номерлари	ютуқ миқдори (сўм билан)	серия номерлари	облигация номерлари	ютуқ миқдори (сўм билан)
100130	21*)	500	128921	09*)	500	165836	50*)	1000
100182	1—50	40	130822	44*)	500	166027	1—50	40
100475	36*)	500	131707	47*)	500	166860	1—50	40
100944	1—50	40	132304	1—50	40	167323	08*)	500
101414	32*)	500	134721	40*)	500	167697	32*)	5000
101989	1—50	100	134952	17*)	500	168949	43*)	1000
102580	31*)	500	135116	1—50	100	169436	30*)	500
103318	21*)	500	135348	43*)	500	170188	43*)	500
104498	1—50	40	135484	1—50	40	170480	25*)	500
104504	28*)	500	135727	29*)	1000	170892	42*)	500
104870	1—50	40	135730	45*)	500	170988	05*)	500
104961	03*)	1000	137405	08*)	500	171288	1—50	40
104966	38*)	2500	138039	41*)	500	171383	49*)	500
105145	1—50	40	139740	14*)	2500	171502	44*)	500
106113	09*)	500	139876	43*)	500	171537	1—50	40
106683	39*)	500	139931	1—50	40	172916	1—50	40
106926	25*)	2500	139979	1—50	40	172995	1—50	40
107121	1—50	40	141181	45*)	500	173406	28*)	1000
107486	1—50	40	142409	50*)	500	173840	24*)	500
107611	23*)	1000	143676	13*)	500	173903	06*)	500
107897	09*)	500	143782	26*)	2500	174222	37*)	500
107996	34*)	500	144255	1—50	100	174953	37*)	500
108428	47*)	500	144480	20*)	500	175378	1—50	40
108851	1—50	40	144604	19*)	500	175871	35*)	500
109219	1—50	40	145808	38*)	1000	176192	22*)	500
109841	24*)	500	146572	36*)	500	176584	32*)	500
109919	31*)	500	147473	15*)	1000	176775	45*)	500
110189	18*)	500	147569	03*)	500	177446	48*)	500
110442	38*)	500	147760	13*)	500	177727	06*)	500
110542	07*)	500	149569	21*)	5000	177780	32*)	500
110588	1—50	40	151244	14*)	1000	177915	01*)	500
110785	24*)	500	151483	49*)	500	178380	12*)	500
111401	1—50	40	151680	22*)	500	179008	18*)	500
112299	14*)	500	152248	50*)	1000	180004	19*)	500
112495	21*)	500	152811	44*)	500	180631	1—50	100
112542	1—50	40	153110	11*)	500	182862	27*)	500
113030	37*)	500	153261	04*)	500	184861	28*)	1000
113060	12*)	1000	153827	1—50	100	185172	40*)	500
113802	42*)	500	153968	1—50	40	185569	28*)	500
115051	13*)	500	154856	47*)	500	189141	49*)	500
115467	50*)	500	156228	02*)	500	189414	40*)	500
117458	1—50	100	156345	29*)	500	189931	11*)	500
117815	1—50	40	156627	09*)	500	190533	48*)	500
118108	16*)	500	157205	32*)	500	190947	1—50	40
118734	1—50	100	157671	14*)	1000	191372	17*)	500
119007	1—50	100	157955	32*)	1000	191488	41*)	500
119265	15*)	500	158694	19*)	1000	191776	08*)	500
119325	1—50	40	159429	01*)	2500	192201	1—50	100
120913	46*)	500	159484	1—50	100	193189	1—50	100
121137	01*)	500	159524	1—50	40	193304	49*)	500
121597	1—50	40	161297	40*)	500	194525	46*)	500
122043	23*)	500	161498	18*)	500	194837	46*)	1000
122063	1—50	40	161762	02*)	500	195003	29*)	1000
122215	1—50	100	162183	17*)	500	195027	1—50	40
123374	11*)	500	162306	1—50	40	195078	36*)	500
124820	37*)	500	162967	44*)	500	195430	1—50	40
124931	1—50	40	163609	30*)	500	195554	33*)	500
125346	12*)	500	163687	31*)	1000	196875	45*)	500
126317	1—50	40	163922	1—50	100	196912	11*)	500
126327	01*)	500	163973	22*)	1000	197652	16*)	1000
127287	13*)	500	164181	21*)	500	198097	1—50	100
127897	1—50	40	164908	1—50	40	198814	02*)	500
128804	1—50	100	165659	29*)	500			

*) Шу сериядаги облигацияларнинг қолган 49 номерига 40 сўмдан ютуқ чиқди.

Жадвалда йигирма сўмлик облигацияларга чиққан ютуқлар кўрсатилган.

Ўн сўмлик облигацияларга ютуқларнинг ярми тўланади.

Ютуқ суммасига облигация қиймати ҳам қўшилган.

Бу жадвал расмий ҳужжатдир. Узбекистон ССРдаги омонат кассалари газетанинг янги сони келганидан сўнг ютуқларни шу жадвалга мувофиқ белгиланган тартибда тўлайдилар.

Ютуқлар тиражини ўтказиш бўйича комиссиянинг раиси—Москва шаҳар Кунцево район халқ депутатлари Совети ижроия комитетининг раиси —Ю. П. Пенин.

Комиссия масъул секретари— Л. П. Есина.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 6/Да Абу Али ибн Сино (12.00). Кузнинг биринчи куни (19.30).

Узбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети коллегияси, партия ва касаба союз ташкилотлари Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директорининг ўринбосари Н. Х. Холбековга отаси

Ҳусан ХОЛБЕКОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Узбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети коллегияси, партия ва касаба союз ташкилотлари давлат комитети раисининг ўринбосари А. Қ. Қурбоновга отаси

Қурбонали Муҳамедович ЛАЙЛИЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Давр, олга бос. Бадиий фильм. 1-серия. 11.15 — Мўъжизасиз-мўъжизалар. 12.15 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 15.35 — Ўсмирлар учун музикали кечалар. 17.30 — Мультфильм. 18.15 — Шахмат мактаби. 18.45 — КПСС XXVI съездини муносиб кутиб оламиз. 19.00 — Қувноқ нотачалар. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Фан оламида. 20.00—Фильм-концерт. 20.10 — Давр, олга бос. Бадиий фильм. 2-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Ҳужжатли фильм. 23.05 — Дунё воқеалари. 23.20 — Концерт.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

11.30 — Мультфильм. 11.45— Фильм-концерт. 12.15 — Иван Макарович. Бадиий фильм. 18.10 — Тенгдошларинг изоди. 18.50 — Миллионлар лениниа университети. 19.10 — Шеърият дафтаридан 19.30 — Ахборот. 19.45 — Куйлар ҳам учрашди. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Чорвачилик—зарбдор фронт. 22.25 — Авлодлар. Бадиий фильм. 2-серия.

II.

20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Ўқитувчи экрани. 20.55 — Назарий механика. 21.55 — Ираклий Андроников. Бадиий ўқиш. 1-фильм.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Ўзбек халқ қўшиқлари. 9.35 — Концерт. 12.10 — Ўзбекистон ишчиси. 13.00 —Янги йилнинг янги режалари. 14.00 — Ламмикор ерлар саховати. 18.15 — Ёшлик. 19.25 — В. Моцарт. Симфониетта. 21.00 — Халқаро мавзуларда суҳбат. 21.10 — О. Мухторов. Қиш кечаси. Радиокомпозиция. 21.30 — Механизаторлар учун концерт. 22.30 — И. Икромов қўшиқлари. 23.15 — Дам олиш соатида. Концерт.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Редакция адреси: 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04, редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05, масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05, секретариат — 33-72-83, 32-53-06; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси 32-55-70, халқаро ҳаёт — 32-54-14, саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-18, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-35-53, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13, иллюстрация — 32-57-22, коммунистик тарбия — 32-54-29, стенографистка — 33-73-43, 32-54-05, жамоатчилик қабулхонаси — 33-89-26, 32-52-26; эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 5-19-71; Сирдарё — 2-05-27; Сурхондарё — 3-92-36; Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Наманган — 6-79-92; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станция. синнинг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 01709. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64583. В. — 4. 10